Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

Туркистон

Туркистон бир, ватан бир

1993 йил 16 сентябрь • Пайшанба • № 107 (14135) ترکستان ✿ TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

МУСТАҚИЛ ВАТАНГА МУНОСИБ БАЙРАМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни этиб **27 июнь** белгилансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри,
1993 йил 3 сентябрь.

БУГУН РИЗҚИМИЗГА ТУЛМИШ ЭГАТЛАР.

Ж. ҚОЗОҚ суратлавҳаси.

ТИЛ ДАРАХТИМИЗНИ АСРАЙЛИК

Давлат тили тўғрисида қонун чиққанига тўрт йил бўлди.

Бугун, мустақиллигимизнинг уч йиллигига дадил қадам қўйган кунимизда, истиқлол барча жабҳа сингари, тилимизга ҳам баҳра бахш этаётганини, барча соҳадаги сингари, тилда ҳам мустақилликка эриша бораётганимизни мамнуният билан эътироф этиш лозим.

Тилга эътибор давлат иши даражасига кўтарилгани, махсус ҳукумат комиссияси бу борада серунум иш олиб бораётгани, атамақўм ишлаб тургани бу фикрнинг далилидир.

Аммо, тил мустақиллигига эришиш иқтисодий мустақилликка эришишдан мураккаб бўлса мураккабки, осон жараён эмаслиги, бу борада ҳукумат доирасидаги ишларнинг ўзигина кифоя қилмаслиги, бу иш барчадан ҳақиқий фидойилик талаб этиши, бироқ, бугунги кунда шу фидойилик етарли даражада намоён бўлмаётгани туфайли, айрим мулоҳазалар билан ўртоқлашишни лозим топдим.

Тил — жонли мавжудот. Бу ўринда уни дарахтга қиёс қилсак бўлади. Ўзбек тили узоқ йиллар давомида рус тилидек улкан чинор соясида қолиб келгани, яъни офтобдан бебаҳра бўлгани сабабли нимжон, рангпар ниҳолга айланиб қолган эди. Мана, мустақиллик туфайли тил дарахтимизга офтоб тегди. Энди уни узоқ йиллик соя асоратидан халос қилиб, тарбиялаб, чиниқтиришимиз, улкан дарахтга айлантириш чораларини кўришимиз керак.

Хўш, бу вазифани қандай бажаряпмиз?

Тил мустақиллигига ўтиш бозор иқтисодиётига ўтиш даврига тўғри келди. Ўтиш даври қийинчиликлари билан боғлиқ сабабларга кўра, ҳозир одамлар китоб ўқишдан бироз «ўзларини тийиб» туришибди. Улар ҳозир оммавий ахборот воситалари билангина «ошна». Шундай экан, тил мустақиллиги йўлидаги асосий масъулият оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига тушади.

Бироқ, назаримда, биз —оммавий ахборот воситалари ходимлари бошиданоқ унчалик тўғри йўлни тутмаганга ўхшаймиз. Биз қонун чиққанидан кейин бир ёт сўзни бошқа ёт сўзга алмаштириш билангина банд бўлиб қолдик. Табиат ва жамият қонунини унутиб қўйдик. Ваҳоланки, ер юзида ҳеч ким ва ҳеч қандай мавжудот бошқалар билан мулоқот қилмасдан, ўз қобиғигагина ўралиб яшай олмайди.

Аслида биз бошидан соя таъсирида нимжон бўлиб қолган дарахтимизни парваришлаш, яъни унинг тупроғини юмшатиб, суғориб, чуқурроқ, мустаҳкамроқ илдиз отишига, шу билан танасининг бақувват бўлишига эришиш йўлини қидиришимиз керак эмасмиди? Ҳар қандай жисм сингари, тилимиз жисмини соғломлаштиришдан бошлашимиз керак эмасмиди ишни? Биз эса, менимча, «қош қўяман деб кўз чиқариш» йўлидан боряпмиз, яъни тил дарахтимизни жисмонан бақувват қилиш ўрнига, ундаги айрим япроқларни бошқа япроқлар билан алмаштиряпмиз, холос. Бундан ташқари, дарахтимизнинг бошқа дарахтлар билан «мулоқот» қилишига, яъни табиат тили билан айтганда, ўсишнинг муҳим омили ҳисобланган чангланишига тўсиқ бўляпмизки, буни асло кечирарли хол, деб бўлмайди.

Шуни айтиш керакки, бир ибора ўрнига бошқа ибора ишлатиш, яъни «япроқшунослик»да ҳам изчил эмаслигимизни, ўта нўноқлигимизни ошкор қилиб қўймоқдамиз. «Ноҳия»», «куллиёт», «...гоҳ»лар эсингиздадир? Кимнингдир ҳаёлига бир ибора келиб қолса, тўғрими-нотўғрими, ўрними-ўрни эмасми —ишлатаверамиз-да, гоҳида кулгили ҳолатлар пайдо бўлади. Масалан, «оператор»ни «тасвир»чи деб олдик (гарчи бунинг ўзи нотўғри — оператор тасвирламайди, бор нарсани суратга олади, холос), аммо, режиссёр сўзини ишлатяпмиз. Ваҳоланки, бу икки ҳунар эгаси доимо бирга ишлайди. «Самолёт»ни «тайёра» дедик, нега «самовар»ни «ўзи қайнар» демаяпмиз? «Аэропорт»ни қийналиб «тайёрагоҳ» деяпмиз. Бу ўринда «қўналға» деган ниҳоятда ўзбекча иборани ишлатиш керак эмасмиди?

«Япроқшунослик»нинг нўноқлик билан қўлланилаётганидан ташқари, унинг ниҳоятда сохталиги, энг муҳими эса алдоқдан иборат эканини шу йил 11 сентябрь куни бўлган футбол ўйини шарҳи мисолида кўрсатишга ҳаракат қиламан.

Тўғри, шарҳда ёт сўзлар ишлатилгани йўқ ҳисоб. Бироқ, бутун шарҳ давомида шарҳловчи ўзбекча сўзлар билан русча гапираётгандай туюлди. Мисол учун: «яна бурчакдан тўп тепиш ва яна уни фалончи амалга оширади», деган гапни ўзбекча дея оласизми?

Футболда «штраф» деган ибора бор. «Штраф»нинг ўзбекчаси «жарима» бўлади. Аммо, жаноблар, ўзбек тилида жарима фақаттина пул билан боғлиқ, футболдаги «штраф» эса, ўзбек тилида «жазо» бўлади. Яъни, ўйинчи қоидани бузганида унга жарима солинмайди, у жазоланади! «Состав» ибораси кўп ҳолларда «таркиб» деб ўгирилади. Бироқ, ўзбек тилининг нозик табиати одамни таркибига киритишни кўтармайди. Шу сабабли, мисол учун, «Пахтакор» жамоасининг таркиби» эмас, «Пахтакор» жамоасининг сафи» дейиш тўғрироқ бўлади. «Касансаец» деган команда бор. Унинг шу пайтгача «Косонсойчи» (бундан кейин бир-биримиздан «қаерликсиз», деб эмас, «қаерчисиз?» деб сўраймиз шекилли?) деб «ўгирилиб» келаётганига нима дейсиз?

Созанда бўлмаган одам куй чаламан, врач бўлмаган одам бировни операция қиламан, демайди. Бунга ҳеч ким йўл ҳам қўймайди, албатта. Барча соҳа ичида фақат тил билан адабиётнинггина даргоҳи ҳаммага очиқ. Аммо, бу — тил ва адабиёт даргоҳи бедарвоза, унга киришнинг масъулияти йўқ, деган гап эмас. Буни ҳеч ким унутмаслиги керак.

Шуниси борки, созанда бўлмаган одам ҳам, гарчи ўзи куй чалолмаса-да, қулоғи куйдаги сакталикни ҳис қилади. Футболдаги «очко»дан бўлак деярли барча иборани «топган» («очко» эвазига бу иборанинг таржимасини таклиф қиламан: «очко» — «хол» бўлади) янгиликпарвар «япроқшунос»лар «фалончи тўп билан» (« мячом»), «фалон рақам остида» («под номером»), «ўткир бурчак остида» («под острим углом») деганида қулоғи сакталикни ҳис қилмаганига ҳайрон қолади киши...

Бу мулоҳазалар майда гапга• ўхшаб туюлиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, тил мустақиллигига эришиш муаммоси шу қадар улканки, уни бир-иккита кичик мақола билан ҳал қилиб бўлмайди. Бугунги мулоҳазалар — улкан муаммодан бир қатра холос. Аммо, қатралар жам бўлаверса, нимагадир айланишини ҳам унутмаслигимиз керак.

Шу мулоҳазаларга кўра, яъни, ибораларни ўзгартириш билан тил дарахтимизни соғломлаштириш мушкул эканига ишонч ҳосил қилган ҳолда, бир таклифни ўртага ташламоқчиман.

Ҳозир республикамизда атамақўмдан ташқари ўзбек тили жамияти ҳам ишлаб турибди. Аммо, бир-бири билан мустаҳкам алоқада ишлаши лозим бўлган бу икки ташкилотнинг ҳамкорлик самаралари кўзга ташланмаяпти. Шунинг учун уларни бирлаштириб, шу негизда тилшунос олимлардан ташқари ёзувчиларни, мутахассисларни, умуман, тилимизнинг бошқа жонкуярларини жалб этган ҳолда ўзбек тили марказини ташкил этиш, бу марказга катта ваколатлар бериш лозим. Чунки, сиёсий мустақилликка эришдик, яқин орада иқтисодий мустақилликка эришишимиз ҳам аниқ, аммо тил мустақиллигисиз чинакам мустақилликка эришиб бўлмайди. Бунинг учун эса, тил дарахтимиз парваришига етарли даражада эътибор беришимиз лозим.

Тил дарахтимизни асрайлик!

Машраб БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Шу сонга хабар

ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

Нукус шаҳрида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси қўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Низоми талабларини қўпол равишда бузганлиги учун Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби Кўнтилов Низамиддинов эгаллаб турган лавозимлардан озод этилди. Шу вақтгача Нукус шаҳар Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаб турган Турдибек Ўразбаев Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси қўмитасининг биринчи котиби ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

Пленум ишида Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи Г. Аннақиличева, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Орзиматовлар қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Қорақалпоғистон Республика кенгашининг биринчи котиби А. Асанов қатнашди.

ЮКСАК БАҲОЛАНДИ

Тошкент молия институти фаоллар саройида Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон—бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобини ўрганишга бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Анжуманни институт ректори, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор Мурод Шарифхўжаев кириш сўзи билан очди. У юртбошимизнинг китобида ҳозирги даврда мамлакатимиз олдида турган асосий йўллар маҳорат билан белгилаб берилганлигини таъкидлади.

Конференцияда профессорлардан Эркин Абдуллаев, Аҳмад Ўлмасов, Қосимжон Яҳёев ва Дилшод Ғозибековлар маъруза билан чиқиб, ушбу асарни жуда катта илмий ва амалий аҳамияти ҳақида гапирдилар.

М. УСМОНОВ.

ЭНДИ УЛАР ТАЛАБА

Кириш имтиҳонларини эсон-омон топширганлар талаба бўлиб қолавермайди, бунинг учун алоҳида тадбир белгиланган. Яъни — талабаликка бағишлов кечаси. Ҳозир республикамизнинг барча олий ўқув юртларида ана шу тадбир бўлиб ўтмоқда.

Яқинда «Ҳамза» номидаги ўзбек Давлат академик драма театри биносига Тошкент кимё-технология институтининг 130 нафар биринчи курс талабалари йиғилдилар. Бу ерда талабаликка бағишлов тантанали кечаси бўлиб ўтди. Йигит-қизларга шу кун юқори курс талабалари рамзий билимлар калити ва синов дафтарчасини топширдилар. Илм даргоҳининг ректори Т. Миркомилов, академик К. Аҳмедовлар сўзга чиқиб, ёшларга институтнинг ўтмиши, келажак режалари хусусида батафсил гапириб бердилар. Ёшларнинг ўқиш ва ишларида муваффақиятлар тиладилар.

Институт Ёшлар Иттифоқи ташкилотининг саъй-ҳаракати билан ўтган ушбу кеча сўнгида театр жамоаси талабалар эътиборига «Соҳибқирон Темур» спектаклини ҳавола этди.

АНДИЖОНДА ҚОВУН ДАРАХТИ

Андижонлик Каримовнинг ҳовлисида ўсаётган қовун дарахти — папайя илк ҳосил берди.

Иссиқ минтақада ўсадиган бу дарахтнинг меваси ва баргидан дори ва атир-упа тайёрлашда фойдаланилади. Қодиржон Каримов бошчилик қилаётган «Меҳр» кичик корхонаси аъзолари ана шу қимматли хомашёни етиштиришга аҳд қилдилар. Улар маҳаллий доришунослар билан ҳамкорликда папайядан турли дори-дармонлар, шарбатлар тайёрлашни мўлжаллашмоқда. Ҳозир тоғ этагидаги етти таноб ерда «қовун дарахти» ўсяпти. «Меҳр» кичик корхонасининг ишбилармонлари келгусида бу ажойиб дарахт кўчатини кўпайтириш ниятида.

Ёшулли шаҳар ташвишлари

Байрамлар давом этаётир. Улуғ юртимизнинг табаррук саналари кўп. Ҳар бир жўғрофик манзилнинг ўз тарихи, ўз мавлуди бор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллик тўйини нишонлаш тўғрисида Фармон чиқарди. Байрамни муносиб тайёрлаш ва ўтказиш бўйича тузилган ташкилий қўмита таркибига таниқли ҳукумат ва давлат арбоблари киритилган.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шахсан, Тўрткўл тўйини нишонлашга эътибор билдирди. Нега! Бу саволни аввало ўзимга бердим. Албатта республиканинг ҳар бир вилояти, шаҳар, қишлоқлари юртбоши учун қадрли. Ҳеч бири назаридан четда қолмайди. Жумладан, Тўрткўл ҳам республиканинг бир бўлаги. Демак унга бўлаётган муносабатни тушуниш мумкин. Яна бошқа сабаблар бор. Бу ҳақда Тўрткўл тумани ҳокими, Ўзбекистон халқ ноиби Ғани ака ҲОЖИЕВ билан суҳбатлашдим.

— 30 июль ҳар бир тўрткўллик учун қувончли кун бўлди. Бу сана ҳар биримизда фахр ва ифтихор туйғуси бўлиб сақланиб қолажак. Шу куни ҳурматли Президентимиз И. А. Каримов Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллик юбилейини нишонлаш ҳақида Фармон қабул қилди дея гап бошлади Ғани ака, — бу Фармон район ва шаҳар меҳнаткашларининг меҳнатга бўлган кўтаринкилигини ошириб юборди. Биз тўрткўлликларга катта эътибор бериб, камтарин меҳнатимизни, тарихий йўлимизни холисона баҳолагани учун ҳурматли Президентимизга чуқур миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Албатта ўтаётган ҳар бир кунимиз, эртамиз давлатимиз юритаётган сиёсатга, унинг тепасида турган етакчиларга боғлиқ. Шукрки, юртимизда тинчлик барқарор. Бозор иқтисодиёти механизми тобора йўлга тушмоқда. Тўйлар тўйларга уланмоқда. Мустақиллигимизнинг икки йиллиги юртда кенг нишонланди. Бизлар эса ҳар бир кун, дақиқани ғанимат билиб шаҳар тантаналарини муносиб ўтказиш учун тайёргарликни бошлаб юбордик.

Тўрткўл тарихан бой шаҳар. Унинг 120 йиллигини рамзий маънода тушунсак бўлади. Қорақалпоғистоннинг биринчи пойтахти бўлмиш бу юртда яшаб ўтган аждодларимиз ўтмишини ўрганмоқчи бўлсангиз, сизга кўплаб маълумотлар беради. Тўрткўл жойлашган ҳудудда эрамизгача бўлган даврда ва янги эранинг биринчи, тўртинчи асрларидаёқ яратилган сонсиз тарихий обидалар, археологик топилмалар бой тарихдан сўзлайди. Шаҳар шу минтақада тараққиётнинг ривожланган илк маърифий, маданий ўчоғи. Кейинги даврларда бу ерда биринчи саноат корхоналари ишга туширилган. Бу юртдан таниқли давлат арбоблари илм-фан намоёндалари, машҳур санъаткорлар, меҳнат қаҳрамонлари етишиб чиқди. Шаҳар юбилейига юртбошимизнинг эътибори шунинг учундир.

(Давоми 2-бетда).

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг адабиёт соҳасидаги Усмон Носир номли мукофотига номзодлар ҳужжатларини қабул қилишни эълон қилади. Ҳужжатларни қабул қилиш муддати 1993 йилнинг 25 сентябридан 5 ноябригача давом этади.

Маълумотлар учун телефонлар:
41-08-50, 41-06-50, 41-08-61.

* * *

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг адабиёт ва санъат соҳасидаги 1994 йилги мукофотига номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилишни эълон қилади. Ҳужжатларни қабул қилиш вақти 1993 йил 25 сентябрдан бошлаб 1994 йилнинг 1 январигача давом этади.

Маълумотлар учун телефонлар:
41-08-50, 41-06-50, 41-08-61.

Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига

ЗАМОНА ЮКИНИ КЎТАРГАН

Улуғ олмон файласуфи Карл Ясперс томонидан жаҳон фалсафий тафаккурига «Замоннинг руҳоний—маънавий вазияти» деган нозик ва кенг қамровли атама киритилганига роппа-роса 70 йил тўлди. Мўғил истилочиларининг қадим Турон заминидаги истибдоди авжига чиққан ва буюк салтанатнинг емирилиши бошланган XIV асрнинг биринчи ярмида кўплаб тарихий синовларга бардош берган юртимиз осмонида икки юлдуз порлади. Булар — пири комил Хожа Баҳоуддин ан Нақшбандий ал Бухорий ва соҳибқирон Амир Темурдир. Бу икки буюк зот, файласуф айтмоқчи, замонанинг маънавий эҳтиёжларини ўз вақтида англадилар, тарихий чигалликларнинг тугунини ечмоққа тирноқ қонатдилар ва оқибатда озод Ватаннинг бағридан мангуга жой олдилар.

Амир Темур дейди: пири комил Баҳоуддин Нақшбанднинг «Кам егил, кам ухла», кам гапир» деган панду-насиҳатларига амал қилдим. Аркони давлатга барча мулозимларимга айтар сўзим шу бўлди: «Кам енглар — очарчилик кўрмасдан бой-бадавлат яшайсизлар, кам ухланглар —мукаммалликка эришасизлар, кам гапиринглар — доно бўласизлар».

Соҳибқирон амал қилган ушбу қатъиятлик бевосита ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак оғизларидан ирод қилинган бўлсада, у ўша замоннинг эҳтиёжларига, Ватаннинг манфаатларига ва халқнинг келажагига муфассал жавоб бера оларди. Кейинчалик пайдо бўлган «Кўнгил худода бўлсин, қўллар эса ишда» таълимоти ҳам бу юртни душманлардан қўришга, обод масканлар барпо этишга, саҳроларни ўзлаштиришга, муаззам масжиду мадрасалар қуриш ва етим-есирларга саховатпарвар бўлишга бел боғлаган сағиру-кабирнинг ҳаётий аъмолига айланди. Мўғил истилоси вайроналаридан омон чиқиб, қаддини ростлаётган Мовароуннаҳр Нақшбандий меъморлар, Нақшбандий шоҳлар, Нақшбандий шоирлар, Нақшбандий табиблар, Нақшбандий мироблариниг ҳафсаласи ва эътимоди туфайли ўрта асрларнинг энг обод ва маъмур ўлкасига айланди.

Баҳоуддин Нақшбанд Балогардон номи билан Ислом оламида машҳур бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад Жалолиддин Бухорои Шариф яқинидаги Кўшки Ҳиндивон қишлоғида 1318 йилда подшоҳлар даргоҳига яқин савдогар-ҳунарманд оиласида дунёга келади. Унинг Румдан келиб қолган ота-боболари газламани рангдор гуллар билан безаганлар. Бухорода азалдан бундай касб эгаларини Нақшбанд деб аташади.

Етти ёшида Қуръони Каримни тўла ёдлаб олган Саййид Жалолиддин Нақшбанд ва Биби Орифа фарзандлари дастлабки пайтларда шиа мазҳабининг имомларидан Али Ризо таълимоти давомчиси деб эълон қилади ўзини. Бироқ, аста-секин бу таълимотни такомилга етказиш заруратини пайқайди. Шундай бир таълимотни яратмоқчи бўладики, ундан сунъий ва шиа масхабидаги мусулмонлар баравар фойдалансинлар. Чунки Турон фарзандлари чингизийларга қарши курашиш арафасида турардилар.

Бизгача етиб келган қўлёзмаларнинг далолат беришича, Баҳоуддин Нақшбанд дунёга келган пайтда Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент, Хоразм, Марв, Хўросоннинг ҳар бир қишлоғидан деярли бир ориф шахс етишиб чиққан эди. Бу комиллик йўлига кирган эрлар араб, форс, турк тилида сўзлашишар, бинобарин тил ҳам миллатни ва мамлакатни бирлаштиришнинг асосий воситаларидан бири эканлигини англаб етган эдилар. Замондошларнинг шаҳодат беришича, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари арабча сўзлаган одамга арабча, форсча сўзлаганга унинг она тилида, туркийларга эса самимий турк тилида жавоб берган эканлар.

Замонанинг маънавий эҳтиёжлари зарурияти ўз бўйнига олган мард эрларнинг хислати бу.

Баҳоуддин Нақшбанд тириклигидаёқ буюк таълимот ва қудратли хўжагон силсиласига асос солди. Бу силсила узоқ асрлар давомида Марказий Осиёнинг сиёсий, иқтисодий, маданий турмушида етакчи мавқега эга бўлиб келди. Ҳолбуки, Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзи буни истамаган эди. Чунки ғоят ғарибликда кун кечирган, ҳатто эшигида қул сақламаган бу зот айрим кишилар силсилалар қўлида мамлакат бойлигининг тўпланиб қолишини истамас, шунинг учун ўз шахсий намунасини кўрсатиб яшар эди. XVIII асрнинг бошларида Турондаги парчаланишда Хўжагон силсиласининг салбий мавқеи ўта аянчли аҳамият касб этди. Бу тариқатнинг турли вакиллари Фарғонада, Қашқарда ўз хонларини кўтардилар ва ниҳоят мамлакат уч асрлик парокандаликка юз тутди ва босқинчи миллатнинг асоратига тушиб қолди.

Аён бўлаяптики, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг ҳаёти ва ижодий мероси нафақат диний ва адабиётшунослик нуқтаи назардан, балки тарихий, фалсафий нуқтаи назардан ўрганилиши керак ва назарий хулосаларни кутаётган каттакон бир мавзу экан. Мамлакатимиз матбуотида эълон қилинаётган ва эълон қилинишига жоиз кўплаб асарларда, мақолаларда айнан тарихий-фалсафий таҳлилни кўрмаяпмиз. Бинобарин, қадим ўлкамизнинг барча буюк алломалари тарихий-фалсафий муҳтождирлар.

Уларнинг тарихий ва фалсафий сиймоси яратилиши керак. Шунга муносиб улар.

Барнобек ЭШПЎЛАТОВ,
сиёсат ва халқаро ҳаёт бўлими мудири.

(Боши 1-бетда).

Бу юртнинг фарзандлари улкан мамлакатимизнинг барча жойларида, турли тармоқларда, ҳукумат идораларида халқимизга сидқидилдан хизмат қилаётирлар. Яхши фазилати, маъқул иши билан тилга тушган ўсмирга «Отангга раҳмат, фалончи» дейишади. Шундай экан, биз элдошларимиз билан ҳамиша фахрланиб юрамиз. Юртнинг асл фарзандлари ўз хизматлари билан ўзи туғилиб ўсган эл номини танитадилар.

Ёшулли шаҳар ташвишлари

Тўрткўл бир аср муқаддам, Петро-Александровск деб юритиларди. Шаҳар бошидан не қора кунлар, не бир тузумлар ўтмади. Шунга қарамасдан маҳаллий халқ ўз турмуш тарзи, ўз қиёфаси, қадриятлари, анъаналарини асраб қололди.

Петро-Александровск шаҳри барпо этилган пайтларда маҳаллий халқ—ўзбек, туркман, қозоқ, қорақалпоқлар кўпчиликни ташкил этишарди. Улар ўзаро ахил-биргаликда барча қийин даврларни — уруш йилларини, қимматчилик, қаҳатчилик замонларини бошидан кечиришди. Халқ сабр-қаноат қилолди, оғзи олачилик бўлмади. Бундай халқ минг-минг йилларда ҳам ўзлигини сақлаб қолиши табиийдир.

Аввало, тўрткўлликлар деҳқончиликни касб қилган заҳматкаш халқ. Президентимиз Фармонига биноан оилаларга 24 сотихдан ер ажратиб берилди. Қаранг, бир қарич қаровсиз ётган ернинг ўзи йўқ. Бозорлардаги арзончилик манбаини шундан қидириш керак. Қолаверса, Тўрткўл жўғрофик жиҳатдан жуда қулай жойлашган. Шаҳар катта йўллар чарраҳасида. Турли минтақалардан маҳсулотлар келиб тушади. Ўзимизда полиз, сабзавот, мева-чева жуда кўп. Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларини деҳқончилик маҳсулотлари билан таъминлаймиз. Энг асосийси, одамлар меҳнаткаш, меҳр оқибатли, инсофли. Шу феълимиз бозорларимиздаги нарх навони ушлаб туради.

...Ҳоким шаҳар ҳақида, унинг бугунги қиёфаси, иқтисодий қуввати борасида кўпдан-кўп далил рақамларни келтиради. Ҳақиқатан ҳам шаҳар сўнгги йилларда кенгайди, бир қатор йирик иншоотлар ишга туширилди. Маърифат масканлари бунёд этилди. Нуфузи ошиб бораётган шаҳарда янгидан-янги массивлар дунёга келди. Аҳолини муқим иш билан таъминлаш чоралари кўрилди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, шаҳар ҳақиқий саноат шаҳри мақомига етди.

Бундан йигирма йил муқаддам шаҳарнинг юз йиллик тўйи нишонлангани ҳамон эсимизда. Ўшанда юбилей баҳона шаҳар қиёфаси тубдан ўзгарган, бир қатор маданий-маиший иншоотлар қурилганди. Энг муҳими — одамларга катта эътибор қаратилганди. Шу сабаб ишсизликка барҳам берилган, етилган қатор муаммолар ечимини топганди...

— Айтсам, тўйга тараддудимиз катта,—дея суҳбатни давом эттирди ҳоким. —Августнинг бошларида районимизга юбилейни ўтказиш комиссияси раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошчилигида ҳукумат комиссияси аъзолари келишди. Шаҳарни кўздан кечиришди. Биринчи ташкилий кенгаш ўтказдик. Шу йиғилишда қилинадиган барча ишларни бафуржа гаплашиб олдик.

Бунёдкорлик, ободончилик ва таъмирлаш борасида режалаштирилган ишларимизнинг бир қисмини айта қолай. Шаҳарнинг мустақиллик майдони қайтадан, тўла таъмирланди. Ун ишлаб чиқарадиган корхона қурилиши бошлаб юборилди. Консерва ишлаб чиқариш заводи қурилиши якунланди. Шунингдек, тиббиёт билим юрти, 330 ўринли болалар комбинати, 422 ўқувчига мўлжалланган мактаб, савдо базаси, сув хўжалиги бошқармаси, эллик ўринли меҳмонхона қурилиши битди.

Айни пайтда шаҳар сув тармоқлари тўла таъминланди, «Туямўйин-Нукус» қувури сув йўлига уланди. Бир қатор хонадонлар табиий газдан баҳраманд бўлдилар. Йўллар асфальтланди, кўчалар кенгайтирилиб, гўзал тус олди.

Шаҳар тўйи муносабати билан қурилиш режамизга қўшимча тарзда 160 ўринли туғруқхонани, уруш жабрдийдалари учун 12 квартирали уй, санатория-профилактория биноларини ҳам киритганмиз.

Айтаверса қилинадиган ишлар жуда кўп.

Ўтмишсиз келажак бўлмайди, дейишади. Ҳар бир раҳбар ишлаган давр ўзига хослиги, зиддиятлари, муаммолари ва уларнинг ечимлари билан тарихда қолади. Шундай қутлуғ сана арафасида мен элимизга салкам ўттиз йил оқсоқоллик қилган Қосим оға Нурумбетовни ҳурмат билан тилга олгим келади. Қосим оға етук билимли, ишда тажрибакор ва яхши инсон сифатида ўзидан яхши ном қолдирди. Уни шу фазилатлари билан на фақат Қорақалпоғистонда балки бутун Ўзбекистонда биладилар ва хотирлайдилар. У киши дарғалик қилган йилларда тўрткўлликлар Элликқалъа ва Ёнбошқалъа массивларида асрий унумдор, қўриқ ерларни ўзлаштириш борасида жуда катта ишларни амалга оширдилар. Шу ишлар натижасида Элликқалъадек улкан район дунёга келди. Бу манзилларда минглаган аҳоли уйли-жойли бўлиб, Ватан тутишди. Ўша йиллари асрий орзу қилганимиз темир йўл келтирилди.

Қосим оға Нурумбетовнинг ўз эли олдида унутилмас хизматлари кўп. Даврлар келди бундай кишиларнинг номларини бадном қилиш давлат сиёсатига айланди. Аммо ҳақиқат барибир юзага чиқди. Бугун Қосим оға номи билан кўчалар, маҳалла ва район давлат хўжаликларидан бири юритилади.

— Бизнинг фаолиятимиз шундай бир мураккаб даврга тўғри келдики, уни ҳеч бир давр билан таққослаб бўлмайди. Мен давлатимиз озодликка эришган тарихий бир даврда шундай масъулиятли вазифада ишлаётганимдан бағоят хурсандман. Мустақиллик сиёсати таомилга кирган замонада биз раҳбарлар учун ишлашнинг осон ва қийин томонлари бор. Қийинчилиги шундаки, янгича ишлаш, яшашни энди ўрганаяпмиз. Олдинги йилларда раҳбарлар кўникма ҳосил қилган бошқарувдан воз кечиш, юртбошимиз таъкидлаётган иқтисодий механизмни тез ва мукаммал тўғри йўналишга солиб юборгунча олдимизда тўсиқлар ва камчиликлар бўлади. Осон томони шундаки, биз энди қарам эмасмиз. Бировнинг буйруғи, тазйиқи билан иш кўрмаймиз. Ҳар ким ўзи етакчи бўлган ҳудудда эркин ва албатта халқ билан ҳамнафас иш юритиш имконига эга.

Масъулиятли вазифа — Мустақилликни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий мураккабликларни енгиб ўтиб, турмуш тарзимизнинг яхши фаровон изга тушиб кетишида, қадим шаҳарнинг бутун борлиғини ривожлантиришда озми-кўпми хизмат қилолсам ўзимни бахтли инсон ҳисоблардим.

Нишонланган байрам ёшларимизга ўзлари туғилиб ўсган юрт қадимийлигини, аждодларининг буюк ўтмиши, маънавий дунёси беқиёслигини яна бир карра эслатади. Байрамнинг истиқлол кунларида нишонлангани яна бир бахтимиз. Биз ўзимизнинг бой тарихимиз ҳақидаги бор ҳақиқатни баралла айта оламиз. Ёшлар ўтмишимиздан фахр туйғуси туядилар. Келгусида буюк давлат қуришни ният қилган авлодларга булар бир сабоқ бўлади.

Шаҳримизнинг 120 йиллик тўйини эсда қоладиган даражада нишонлаш ҳар биримизга фарз ва қарз.

МЕҲРИБОНУ,
«Туркистон»нинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ўз мухбири.

Ҳамюртларимиз қандай хизмат қилишмоқда?



Тошкент Олий Харбий техника билим юрти

ҳақида эшитганмисиз? Мазкур даргоҳ тўғрисида илиқ гаплар юради. Билим юрти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли. У 1991 йилнинг 15 октябрида ташкил этилган. Бу ерда тўртта мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланади.

Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти фақат республикамиз учунгина эмас, балки ҳамдўстлик мамлакатлари учун ҳам малакали кадрлар етказиб беради.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик байрами икки йиллиги нишонланган йилда билим юрти ҳовлисига одам сиғмай кетди. Ҳужжат топширганлар сони бир ўринга 12 кишидан тўғри келди. Омад эса ҳарбий бўлишни чин дилдан севган, ўз устида тиним билмай ишлаган, изланганларга насиб этди.

Ҳозирда олий техника билим юртида 17 нафар фан номзодлари меҳнат қилишмоқда. Бўлғуси мутахассисларнинг ўқиши, ҳарбий тайёргарлиги, дам олиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Билим юртида таҳсил олаётган талабалардан бир гуруҳи билан суҳбатлашдик.

Дилмурод ЎРОҚОВ: — Мен асли Самарқанддан келганман. Билим юртининг иккинчи курсида ўқияпман. Бу ерда бизлар учун барча қулайликлар бор. Тажрибали мутахассислар бизларга сабоқ беришади. Умуман мазкур даргоҳда ўқиётганимдан фахрланаман.

Юсуф РАИМОВ: — Дилмуроднинг гапларига тўла қўшиламан. Билим юртида мана икки йилдан буён таҳсил олаяпман. Ҳарбий соҳада анча-мунча нарса ўргандик. Ҳамшаҳарларимдан (Юсуф тошкентлик) кўплари мана шу даргоҳга кириб ўқишни орзу қилишарди. Аммо, кўпларнинг нияти ушалмади. Улар менга хат ёзишиб туришибди. «Тушкунликка тушганимиз йўқ, ўқиб-ўрганаяпмиз. Барибир билим юртига кирамиз», деб ёзишмоқда тенгдошларим.



Жамшид РАСУЛОВ: — Ҳамма нарса кишининг ўзига боғлиқ экан. Бир вақтлар кўча чангитиб юрардим. Мана, энди билим юртида таҳсил олаяпмиз. Бу ерда ўқиётганимдан жуда мамнунман.

Ислом БОБОМУРОДОВ: — Мен Сирдарёда туғилиб, ўсганман. Мактабда ўқиб юрган кезларимда ҳарбий бўлишни истагандим. Мана, ниятим вожиб бўлди. Бу ерда биз шаҳарга ҳам вақти-вақти билан айлангани чиқиб турамиз. Уйдагилар хабар олиб туришади. Ҳаммаси жойида, кўнгилдагидек.

Бу ерда ўқишни истаганлар бемалол келаверишсин.

СУРАТЛАРДА: Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти ҳаётидан лавҳалар.

Матн ва суратлар муаллифи Муҳаммад АМИН.

Шу сонгга хабар

НАҚШБАНДШУНОСЛАР АНЖУМАНИ

Бухоро Давлат Университетида республика нақшбандшунос олимларининг илмий-амалий анжумани бўлди. Буюк аллома таваллудининг 675 йиллигига бағишланган бу йиғилишда Тошкент, Самарқанд, Навоий, Фарғона вилоятларидан келган олимларнинг Нақшбандия тариқати, унинг маърифий мероси, инсонпарварлик ғоялари тўғрисидаги маърузаси тингланди. Энг яхши маърузалар университетнинг «Маърифат» нашриётида чоп этишга тавсия қилинди.

«КАМАЛАК» ЖИЛОСИ

Булунғур туманидаги «Мингчинор» жамоа хўжалигида атлас цехи очилди. Марғилонда иш ўрганиб келган қишлоқ қизлари ҳозир кунига 7—8 метр сержило мато тўқиётир. Дастлабки атлас хўжалик илғорларига мукофот тарзида берилади.

— Хўжалигимиз режадан зиёд тайёрланган пилла ҳисобига шу корхонани ташкил этди, — дейди пешқадам тўқувчи Зарифа Намозова. — Келгусида уни кенгайтириб, кўпроқ хотин-қизларни ишга жалб этамиз.

«ТАНДИР ТЎЛА ЁПИЛДИ НОН...»

Қува дон маҳсулотлари комбинатида Туркиянинг «Экмасан» фирмаси жиҳозлаган «Иссиқ нон» корхонаси ишга туширилди. Унда 36 турда нон ёпиш мумкин. Ишлаб чиқарилган барча маҳсулот комбинат фирма дўконида сотилмоқда. Корхонада барча ишлар автоматлаштирилган. Мазкур тармоқ ишлаб топилган сармоя ҳисобига барпо этилди.

(ЎзА мухбирлари).

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● **ГУРЖИСТОНДА СИЁСИЙ** воқеалар ғоят тезлик билан ривожланиб бормоқда. Республика Олий Кенгашининг Раиси Эдуард Шеварднадзе фавқулодда ҳолат жорий қилиш тўғрисидаги хабарни маълум қилиши билан парламентда баҳс-мунозаралар қизиб кетди. Унинг бу таклифига ғоят танқидий муносабат билдирилди. «Мхедриони» отрядларининг бошлиғи Жаба Йоселиани уни тўғридан-тўғри иккиюзламачи сиёсатчи сифатида айблади.

Парламентнинг 144 депутати Э. Шеварднадзенинг истеъфога чиқишига якдиллик билан қарши эканликларини билдирдилар. Фақат бир депутатгина бетараф қолди.

Кеча Гуржистон парламенти Э. Шеварднадзе истеъфоси масаласини қайта кўриб чиқишга киришди.

● **ҲИНДИСТОН ШРИ-ЛАНКА** ҳукуматига ўзининг шимолий сувларини «ёпиқ минтақа» деб эълон қилганлиги учун норозилик билдирди. Бу қарор, дейилади Ҳиндистон ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Деҳлида берган баёнотида, икки томонлама мавжуд бўлган шартномага ва халқаро денгиз қондасига зиддир. Икки давлат ўртасида мавжуд бўлган «ғоят самимий муносабатларга» зарар келтиради.

● **БУНДАН БИР НЕЧА** кун муқаддам Тинч океани устида юзага келган «Лидия» довули Мексика ҳудудига ёпирилди. Довул асосий зарбани Синалоа штатига берди. Тўла аниқланмаган маълумотларга қараганда, икки киши ҳалок бўлган. Қарийб 400 уй-жой вайрон этилиб, кўпгина шаҳар ва қўрғонлар электр қувватидан маҳрум бўлган. Табиий офат рўй берган туманлардан ўн мингдан ортиқ киши кўчирилган.

● **ФАРАНГИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ** Ф. Миттеран Жанубий Кореяга уч кунлик расмий ташриф билан келди. Бу воқеага Сеулда алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан кейинги ўтган 44 йил мобайнида биринчи бор фаранг давлатининг бошлиғи Корея ярим оролларига биринчи бор сафар қилишидир.

● **СОЦИАЛ ДЕМОКРАТИК** қарашларни қўллаб-қувватлаётган Норвегия ишчи партияси ўз мавқеини сезиларли даражада мустаҳкамлади. Бир партияли Гру Харлем Брунтланд ҳукумати ҳокимият тепасида қолди. 12—13 сентябрда Норвегияда ўтган парламент сайловлари бош якуни мана шундай бўлди.

ХОРИЖДА НИМА ГАП?

Э. ШЕВАРДНАДЗЕНИНГ ТАЛАБИ

20 сентябрдан бошлаб Грузияда икки ой муддатга фавқулодда ҳолат жорий этилади. Республика парламенти 14 сентябрь куни кечқурун ана шу қарорга келди. Эдуард Шеварднадзе шу куни истеъфога чиқишини эълон қилган эди. Бироқ, парламент унинг истеъфосига қарши фикр билдирди. Намойишга чиққан минглаб кишилар Шеварднадзедан вазифасида қолишини сўрашди. Шеварднадзе парламентдан фавқулодда ҳолат жорий этилишига розилик билдиришини ҳамда икки-уч ойлик таътил эълон қилишини талаб этмоқда.

ОЗАРБОЙЖОН МДҲГА АЪЗО БЎЛАДИМИ?

Республика миллий мажлиси Озарбойжоннинг МДҲга аъзо бўлиши ҳақидаги масалани 16 сентябрда кўриб чиқадиган бўлди. Парламентнинг сешанба кунги мажлисида Кавказорти мамлакатлари раҳбарларининг Москвада бўлиб ўтадиган тўрт томонлама учрашувида Озарбойжоннинг иштирок этиши ҳақидаги таклиф қабул қилинди. Унда минтақадаги аҳвол муҳокама этилиши кўзда тутилмоқда.

ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУКОФОТ

Эрон ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий сешанба куни Озарбойжон президенти вазифасини адо этаётган Ҳайдар Алиев билан телефон орқали суҳбатлашди. ИРНА ахборот маҳкамасининг хабар қилишича, Вилоятий Ҳ. Алиевни Арманистон ташқи ишлар вазири Вазген Папазянга йўллаган мактуби мазмуни билан таништирди. Президент Левон Тер-Петросян Эрон раҳбарларини Арманистон ҳарбий операцияларини тўхтатади, босиб олинган Озарбойжон ҳудудлари озод қилинади, деб ишонтирганини айтди.

Ҳ. Алиев «Эрон Ислом республикасининг можарони тўхтатиш борасидаги саъй-ҳаракатларини» маъқуллади, Озарбойжон қочоқлари учун лагерлар барпо этгани учун Эрон тарафига миннатдорлик изҳор этди.

ХАБАР РАД ЭТИЛДИ

Чет элдаги айрим оммавий ахборот воситалари Афғонистоннинг чегара яқинидаги қишлоқлари Тожикистон тарафидан бомбардимон қилингани ҳақида хабар тарқатган эди. Россия Федерацияси чегара қўшинларининг Тожикистондаги гуруҳи қўмондони Анатолий Чечулин бу хабарнинг мутлақо асоссиз эканини таъкидлади.

(ЎзА).

МАЙКЛ ЖЕКСОН—МОСКВАДА

15 сентябрь куни Майкл Жексоннинг Лужникида бўлган концертига 68 минг та чипта сотилди. Тадбир ташкилотчилари пул ишлаб олишга умид қилаётганлари йўқ, улар концертни уюштиришга кетган харажатларни қоплаш ниятидалар, холос. Америкалик машҳур қўшиқчининг Европа бўйлаб гастролларига мутасаддилик қилаётган Германиядаги компаниялардан бирининг президенти Марсель Аврам душанба куни бўлиб ўтган матбуот конференциясида шундай деди.

Майкл Жексон оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувга келмади. Лекин қўшиқчи шахсий врачининг айтишича, «у ўзини яхши ҳис қилмоқда, соғлиғи билан боғлиқ ҳеч қандай муаммо йўқ», Майкл Жексон Москва бўйлаб сайрга чиқди, ноёб ва қимматбаҳо буюмлар билан савдо қилувчи магазинда бўлиб, рус усталари ижоди намуналаридан бир нечтасини сотиб олди. РАТА—ТАСС мухбирининг хабар беришича, меҳмон учун катта ва мазмунли маданий дастур ҳозирланган.

Оммавий ахборот воситалари мухбирларига қўшиқчини фақат концертнинг дастлабки иккита қўшиғи ижро этилаётган пайтдагина сурага олишга рухсат берилди.

(ЎзА).

ШВЕЦИЯ БОШ ВАЗИРИНИНГ ФИКРИ

Швеция Бош вазири К. Бильдт Дания консерватив халқ партиясининг Копенгагенда бўлиб ўтган съездида «Рус ҳарбий кучларининг Болтиқбўйи мамлакатларида туришини оқлайдиган бирор бир сабаб йўқ» деб айтди. У шимолий Европа мамлакатларини Болтиқбўйи давлатларининг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга чақирди. Унинг таъкидлашича, Россиядаги миллатчи ва коммунистпараст кучлар Европа осойишталигига ҳам хавф туғдиради.

ЯДРО СИНОВЛАРИ БОШЛАНИШИ МУМКИН

Франция Мудофаа вазири Ф. Леотар агар ҳукумат экспертлар комиссияси француз ядровий кучларини зарур ҳолатга келтириш учун ядро синовларини бошлашини лозим деб топса, «жаҳондаги умумий сиёсий вазият қандайлигига қарамай», Франция бундай синовларни бошлашини таъкидлади.

ДЕҲЛИДАГИ ВОҚЕАЛАР

Ўтган шанба куни Деҳлида Ҳиндистон миллий конгресси (И) ёшлар ташкилоти қароргоҳи олдида террорчилар кучли бомба портлатдилар. Портлаш натижасида саккиз киши ҳалок бўлди, қарийб 30 киши яраланди.

Шу муносабат билан шаҳар полицияси террорчилик ҳаракатлари ташкилотчилари ҳақида хабар берган кишига 500 минг рупий мукофот берилишини эълон қилди. Полиция жиноятни содир этишда гумон қилинаётган майда савдогар Даял Сингхни қидирмоқда.

(ЎзА).

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ОЛТИН СОҲИБИНИ ҚИДИРИБ

ҚОЗОН шаҳри яқинида олтин эритиш билан шуғулланувчи махсус лаборатория топилди.

Татаристон Ички ишлар вазирлиги матбуот хизматининг хабарига қараганда, махфий корхона Вьетнам фуқароси томонидан ташкил қилинган бўлиб, унинг атрофига тўпланган гуруҳ тилла ишлатилган буюмларни эритиш билан шуғулланган. Жиноят содир этилган жойдан 300 грамм олтин ва кўплаб миқдорда турли асбоб-ускуналар топилган.

Ташкилотчини қидириш учун зарур чоралар кўрилмоқда. Аммо уни топишнинг иложи бўладими, йўқми, бунисини айтиш қийин. Худо билади, жиноятчи аллақачон она ватанида роҳат-фароғатда яшаётган бўлиши ҳам мумкин.

ЎҒРИЛАР ДАСТИДАН РЕЛЬС ҲАМ ҚОЛМАЯПТИ

МАШҲУР рус ёзувчиси Чеховнинг қаҳрамонини яхши эсласангиз керак: рельс гайкаларини бураб олишга ишқибоз эди у. Замон ўзгариб, эндиликда рельс ўғрилари ҳам чиқибди. Приморье ўлкасидаги Уссурийск шаҳрида қўним топган ўғрилар узоқ вақтдан бери шу иш билан шуғулланиб келишар экан. Куппа-кундуз куни улар 360 метр рельсни гумдон қилиш учун тайёр қилиб қўйганларида, қўлга тушишди. Соқчилар уларни тумшуғидан илинтирган чоқда рельслар аллақачон машиналарга ортиб қўйилган эди. Айрим маълумотларга кўра, бу рельслар хорижга жўнатилиши керак экан.

Шундай қилиб, 16 миллион сўмликдан зиёд мулк эгасига қайтарилди.

ИНГЛИЗЛАРНИ АЛДАШ ҚИЙИН

ҚЎЛДА ясалган, лекин машҳур фирмаларнинг номлари қайд этилган ёрлиқлар осилган буюмларни кўраверив, бизнинг кўзларимиз пишиб кетган. Бунинг учун ажабланмаймиз ҳам, зарур бўлгани учун кўзларимизни чирт юмиб, сўраган нархига олаверамиз.

Аммо бадавлат мамлакатларда бундай ҳолга бир баҳя бўлсин, чидашмайди. Буюк Британия ҳам шундай чиқиб қолди. Дўконларда шубҳали халқ истеъмол моллари пайдо бўлиши билан, бу маҳсулотларнинг изига тушишди. Топишди ҳам. Улар... Нью-Йорк ва Гонгконгдан келтирилаётган экан. Бу рўйхатда Мексика ва Туркия давлатларида фаолият кўрсатаётган сохта фирмалар ҳам бор.

Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига

НАВОЙИ ЭЪЗОЗЛАГАН МУМТОЗ ЗОТ

Хабарингиз борки, Баҳоуддин Нақшбандга пирлари —Мир Саййид Кулол таълим-тарбиялари муайян бир даражаға етганидан кейин: «Ҳар қаёндин ройиҳае (бирон ҳид) димоғингизға етса, талабда тақсир (қусур) қилманг» — деган эканлар. Баҳоуддин устозларининг ана шу гапларига амал қилиб, илм истаб, яссавия тариқатидаги шайхларнинг машҳурларидан бўлмиш Қусам Шайх олдиларига — Нахшаб, яъни Қаршига бордилар. Навоийнинг Абдураҳмон Жомий тазкираси — «Нафаҳот ул-унс...»дан таржима қилиб келтиришича, Баҳоуддин Қусам Шайх билан илк учрашувлари жуда қизиқ кечган: «Ул (Қусам Шайх) аввали мулоқотда қовун ейдур эрди. Пўчоғини Хожа (Баҳоуддин) сори ташлади. Алар (Баҳоуддин) ғояти талаб ҳароратидин ул пўчоғни териси билан едилар (!). Ул мажлисда икки-уч қатлаъ бу навъ воқеъ бўлди ҳам бу мажлисда Шайхнинг ходими кириб, дедики: «Уч тева (туя) ва тўрт от ғойиб қилибмен (йўқотибман). Шайх Хожаға ишорат қилиб, дедики: «Ани яхши тутунгиз!» Тўрт киши андоқ ҳушунат (кўполлик) била Хожаға (Баҳоуддинга) ёпуштиларки, гўё арода қоне воқеъ бўлубтур. Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин) дебтурларки: «Турк машойихининг шинохти (доноси, маърифатлиси) бўлмаса, алар тарийқидин (ишидин) мутанаффир (нафратланган) ва навмид (ноумид) бўлур эрдим». Хожа муроқаб ўлтуруб (қараб туриб) дедиларки: «Намозшом адосидан сўнгра ходим яна кириб, дедики: «Ғойиб бўлған тевалару отлар ўзлари келдилар».

Бу парчани батафсил шарҳлашдан олдин бир мулоҳазани айтиб ўтай. Баъзилар Баҳоуддин Нақшбанддек улуғ зот ҳаётидаги ана шу пўчоқ ейиш ҳодисасини халққа ошкор қилмай ўтиб кетавериш керак, деган фикрни билдиришади. Хўш, нега, дерсиз? Эмишки, бу билан халқимизнинг Баҳоуддин ҳазратлари ҳақидаги тасаввурлари ўзгариб, у зоти шарифнинг обрўйларига путур етган бўлар эмиш. Яқин ўтган замонларда кўп нарсани матбуот ва ё илм орқали ошкор қилмай-қилмай-ку шу аҳволга тушиб қолдик. Ахир, тазкирада бу воқеа зўр бир ибрат янглиғ келтириляпти-ку. Энди бир тасаввур қилиб кўринг... Дарвешлар давраси. Тўрда пир, яъни Қусам Шайх ўтирибди. Қовун ейиляпти. Шайх олдига бир нотаниш шогирд салом бериб, таъзим бажо айлаб кириб келди. Орада бошқа гап-сўз бўлганича ҳам йўқ, дейлик. Шайх гўё ана шу янги кириб келган боланинг қадрини ерга ургандек унга ҳозиргина еб бўлгани қовун тилимининг пўчоғини унинг олдига отди. Йигит ҳеч иккиланмай пўчоқни олиб, чайнай бошлади, чайнай-чайнай батамом еб қўйди. Шайх ҳеч нарсани сезмагандек, яна бир тилим қовунни паққос тушириб, пўчоғини яна меҳмон йигитнинг олдига ирғитди. Яна ўша гап: йигит пўчоқнинг бунисини ҳам еб қўйди. Шайх ташлаган учинчи пўчоқ ҳам бемалол ҳазм қилинди.

Хўш, нима гап ўзи? Наҳотки, кимсан — Яссавий хонадонидан бўлган замонасининг машҳур шайхи одамга нисбатан шунчалар беписанд муносабат қилса?!

Тасаввуфда мурид тушган шогирд пирнинг қули янглиғ ихтиёрини унга топширади. Нима учун? Ўзидаги ўзликни— ғурурни деймизми, худпарастлик, ўзим бўлайчилик, худбинликни деймизми, ишқилиб, жисм ва нафс қўлидаги жиҳатларни енгиши учун унга пир устозлик қилиши лозим. Бунинг учун шогирддаги ғурур ўлдирила бориши керак. Шу ўринда шоир Жамол Камолнинг ширали таржимасида чоп этилган Радий Фиш қаламига мансуб «Жалолиддин Румий» тарихий-таржимайи ҳолий романининг «Қўрғон» деб номланган тўртинчи бобидаги «Синов» фаслида баён этилган айрим воқеалар эсга тушади. Радий Фиш бу воқеаларни қайси манбаларга таяниб ёзган ёҳуд улар муаллифнинг бадиий хаёлоти маҳсулими бу бўлак масала. Аммо ундаги пирнинг мурид ғурурини енгиш учун буюрган топшириқлар —тасаввуф учун жуда оддий бир ҳолатлар тарзида қаралмоғи керак. «Мурид —ўз измини ўзгаға топширган кимса, дегани». Жалолиддин Румий Саид Бурҳониддин Сирдонга мурид тушади. Пир Жалолиддиндаги «отасидан мерос олган» «талайгина ғурур»ини йўқотиш учун унга дастлаб ҳожатхоналарни тозалашни буюради: «Мана, Султонул-Уламонинг ўғли, мусулмон дунёси пешволари бир оғиздан эътироф этган олим, султон пойтахтида масжиди жомеъ воизи, мадраса мутаваллийси ҳожатхоналарни тозаламоққа киришди. Шайх шундоқ деб буюрган. У аяб ўтирмади, шогирдидаги худбинликни бошқалардан кўра қаттиқроқ сиқувга олди. Жалолиддин бунда айрича меҳр-муҳаббат белгисини кўрди.

...Оғиз— бурнини бир парча оқ латта билан ўраб олган Жалолиддин чарм челакларда ахлат таширди. Ахлатхоналар тубсиздек туюлар, негаки бугун тозаланган хандақлар эрталабгача баҳор сувларига лиқ тўлиб турарди. Тунлари ҳаммомда уч карра чўмилиб, то саҳар хўрозлар қичқиргунча, отасининг «Маориф» китобида жамланган мулоқотларни ўқир эди. Пири ана шу китобни бир юз бир карра ўқишни буюрган.

...Жалолиддинни доимий очлик қийнар, бироқ димоғига ўтиришган бадбўйдан оғзига туз сололмасди. У озиб-тўзиб, уйқусизликдан ёнган кўзлари ич-ичига чўкиб кетди.

...Иш камайганини кўрган Саид (яъни пир) янги сабоқ берди: у шаҳарда икки мурид билан жамоа учун садақа сўраши лозим.

Бу ҳожатхона тозалашдан ҳам қийин эди. Сабоқни ўзингникилар олдида бажариш бошқа, улар бу шайхнинг буйруғи эканини билишади. Лекин бегоналар олдида, тағин собиқ мухлисларнинг ҳузурида эгилиб-букилиш нақадар машаққат».

Аммо бу ҳали ҳолва. Пир муриднинг фикрини ўзгартирмоқчи. Ниятига етди ҳам: «Саидни Сирдон деб бекорга айтишмаган: Жалолиддин шундоқ фикрга келиши билан у ҳожатхона тозалашни тўхтатди.

— Сен сабоқни адосига етказдинг. Лекин ёдингда бўлғай: юракни тозалаш ҳожатхона тозалашдан мушкулроқ».

Шундан кейин Саид Бурҳониддин Сирдон муриди — Жалолиддинга очлик буюради. Бу ҳам ҳали ҳеч гап эмас.

Бир куни пир уни бозорга олиб тушди, қассоблар растаси бўйлаб юрдилар. Романдаги тасвирнинг бизга энг керакли бир жойига диққат қилинг: «Катта ёғоч тоғорада итларга деб солиб қўйилган қизғиш қуйқа ичида ичак-човоқ қолдиқлари сузиб юрарди». Пир шу ерга етганда тўхтади: «Саид уни (Жалолиддинни) ишорат ила тўхтатди. Ичак-човоқ солинган, устида яшил, кўкимтир пашшалар ғужғон ўйнаган тоғорани кўрсатиб, Жалолиддинга юзланди:

— Сабр-бардошим битганда (очлик маҳали кўзда тутиляпти) мен ана шу ерга келиб, ўз-ўзимга дердим: «Эй у кўзи кўр нафс! Мен сенга ана шу ит емишидан бўлак ҳеч нарса беролмайман, истасанг, ол, е!».

Жалолиддиннинг хаёлида шу ондаёқ чизилди: у тўрт оёқлаб туриб, ириллаган итларни нари-бери суриб, бошдан оёқ қонга беланиб, ана шу чучмал қўланса қуйқани ялайди...

Уч кунгача кўнгли айниб, туз тотмади...».

Синов шу тариқа давом этаверади. Пир муридга ана шундай кишининг ғурурини йўқотадиган топшириқлар бераверади. Кимсан Жалолиддин Румийдек зоти шариф, бир қарашда, одамнинг нафсониятига тегадиган, унинг қадрини ерга уриб ташлайдиган ишларни бажарган экан, нега энди ёш Баҳоуддиннинг қовун пўчоғини егани бизга ғалати туюлиши керак? Ахир, пўчоқ итга мўлжалланган молнинг қонидан минг чандон афзалроқ-ку! Сирдон-ку муридининг ғурурини синдириш учун қон ялашни буюрибди. Қусам Шайх нега бу нотаниш йигит— Баҳоуддиннинг олдига пўчоқ ташлади? Бу билан у нима деб сўраган бўлди? Нега Баҳоуддин шу заҳоти пирнинг нишхўрди — пўчоқни паққос туширди? Бу билан нима деб жавоб қайтарган бўлди?

Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс...»идан таржима жараёнида Алишер Навоий аслиятга содиқ қолиб, воқеанинг ўзинигина баён қилади, уни шарҳлаб ўтирмайди. Чунки тасаввуфдан бохабар ўша давр кишилари учун ишоранинг ўзиёқ бас эди. Бироқ биз учун сўзу сухансиз —қовун пўчоғи «тил»и билан гаплашилган бу «суҳбат» шарҳга жуда-жуда муҳтож.

Қусам Шайх гап-сўзсиз ҳам ёш йигитнинг бу ерга илм истаб келганини билади. Хўш, қани, шогирд бутун измини устозга топширишга тайёрми-йўқми? Қолаверса, илм олиш маҳали пирдан жуда оғир, инсон учун ғурурга тегадиган вазифалар топширилса, уни ҳам бажаришни кўнглига тугиб келганми бу йигит ё бу бир шунчаки ҳою ҳавасми? Бундай ўта муҳим ва нозик саволларни сўз билан ифодалашга ҳеч бир ҳожат йўқ. Негаки, суфийлик киши кўнглини англаш экан, кўнгилни ҳадди аълосида софлаган, яъники тараққий эттирган кишилар учун гап-сўзсиз ҳам бир-бирларини англашлари табиий ҳол-ку. Демак, Қусам Шайхни шогирдлик истаб келган янги йигитнинг ана шу жиҳатдан қайси даражага етгани, яъни унинг фаҳму фаросатини ҳам имтиҳон қилиш туйғуси чулғагани рост.

Шу нуқтаи назардан қаралса, Қусам Шайх уч бор Баҳоуддиннинг олдига пўчоқ ташлаш билан бўлғуси шогирдни обдон синаб олди. Навоийнинг матнидаги «ғояти талаб ҳароратидин» деган калималарда гап кўп. Пўчоқни ейиш билан Баҳоуддин: «Мен Сизнинг олдингизга илм талаби билан келдим, бу йўлда нимайики машаққат чекишга тўғри келса, мен бунга тайёрман», — демоқчи бўлди.

Пир кутган жавобини олган эди...

Қусам Шайхнинг пўчоқ ташлаши воқеаси «икки-уч қатлаъ» такрорлангани ёзилади. Келинг, озгина мулоҳазага эрк берайлик-да, шуни уч марта деб ҳисоблайлик. Чунки суфийлар шу қадар зеҳнкор кишиларки, ана шу уч марта пўчоқ ташлашнинг замирида ҳам муайян маъною мазмун бўлиши мумкин. Эҳтимол, ана шу уч бор пўчоқ ташлашда ҳам бир сир яширинди?

Биламизки, тасаввуфда аввал шариат, кейин тариқат ва сўнгра ҳақиқат. Биринчи бор пўчоқ ташланганда пир шогирддан: «Шариатдан илминг борми?» — деб сўраган бўлса, ажаб эмас. Пўчоқни еб қўйиш билан шогирд: «Бор, лекин Сиздан яна таълим олишга муштоқман!» — дегандир. Иккинчи бор келиб тушган пўчоқ: «Тариқатдан хабардорлигинг қалай?» деган савол эди балки. «Бехабар эмасман. Аммо Сизнинг тарбиянгизга мунтазир бўлиб келдим!» — деган жавоб эди, эҳтимол, иккинчи пўчоқни еб қўйиш. Учинчи дафъа ташланган пўчоқ: «Ҳақиқат илмини биласанми?»— деган сўроқ бўлиши мумкин. «Биламан, — демоқчи шекилли, шогирд учинчи пўчоқни ейиш билан. — Бироқ Сизнинг таълимингиз етмай турибди!».

Агар шундай бўлса, пир кутган жавобини олган эди...

Хўш, бу ваъдалар-ку яхши-я, аммо шогирднинг илм талаби борасидаги сабру бардоши қандоқ экан? Бунга бардош қилармикан? Ахир, тасаввуф учун сабру чидамнинг айрича аҳамияти бор-ку!

Хуллас, энди сабрни синашнинг гали келган эди.

«Насойим ул-муҳаббат...»ни ўқишда давом этамиз: «...бу мажлисда Шайхнинг ходими кириб, дедики: «Уч тева (туя) ва тўрт от ғойиб қилибмен (йўқотибман). Шайх Хожаға (Баҳоуддинга) ишорат қилиб, дедики: «Ани яхши тутунгиз!». Тўрт киши андоқ ҳушунат (кўполлик) била ёпуштиларки, гўё арода қоне воқеъ бўлубтур. Ҳазрати Хожа дебтурларки: «Турк машойихининг шинохти (доноси, маърифатлиси) бўлмаса, алар тариқидин (ишидан) мутанаффир (нафратланган) ва навмид (ноумид) бўлур эрдим». Хожа муроқаб ўлтуриб (бироз ўйлаб туриб) дедиларки: «Намозшом адосидин сўнгра ходим яна кириб, дедики: «Ғойиб бўлған тевалар ва отлар ўзлари келдилар».

Демак, ходим кириб Қусам Шайхга туяю отларим йўқолди, деганда Шайх атайлабдан Баҳоуддинга туҳмат қилиб, уни ўғри ҳисоблайди ва пир буйруғи билан муридлар унга шу даражада ташланадиларки, ҳатто Хожа Баҳоуддиннинг баданларидан қон ҳам чиқади. Шунда ҳам Баҳоуддин миқ этмайди. Агар у сабрсизлик қилиб, унга туҳмат қилинаётганини айтганида ёки асабийлашиб, муридлар билан талашиб кетганида тасаввуф йўлидаги даражаси ҳали жуда ҳам пастлигини билдириб қўйган бўлар эди. Чунки сабр—улуғ неъмат. Ахир, тасаввуф йўлига кирган, ҳаққа етишни орзулаган солиқ руҳиятида метиндек ирода ва ўта кучли чидам бўлиши керак эмасми? Тасаввуфни қўя туринг, бу дунёда жиддийроқ бир мақсадга эришмоқ учун ҳам одам боласида қанчалар матонат шаклланган бўлиши лозимку!

Баҳоуддин устознинг бу имтиҳонидан ҳам эсон-омон ўтади. Намозшомга бориб эса йўқолган уч туяю тўрт от ўзи кириб келади.

Дақиқроқ назар ташланса, балки шу туяю отларнинг яна ўзлари қайтиб келиши ҳам Баҳоуддин билан боғлиқдир, деган фикр ҳам кечади хаёлдан. Эҳтимол, ул зоти шарифнинг Балогардонлиги шу ерда иш бериб қолгандир. Ҳар ҳолда ҳозирча буни тўлиқ исбот қилиш учун далил етарли эмас.

Ана шу биргина парча таҳлилидан ҳам ойдинлашяптики, Алишер Навоийнинг наинки бадиий асарлари ҳар бир давр учун замонавий шарҳларга муҳтож, балки унинг илмий ва ё насрий асарлари ҳам бугун алоҳида ва махсус шарҳланиши керак. Акс ҳолда, кўпчилик бу улуғ бобокалонимиз қаламидан чиққан жумлалар аро яширин маъноларнинг моҳиятига етмай ўтиб кетавериши мумкин.

Ана шундай жиддий синовлар билан бошланган Қусам Шайх ва Баҳоуддин Нақшбанд аро пиру муридлик шу даражага етдики, шогирд уч ойча устоз хизматида бўлиб, унинг энг севимли талабасига айланди. Яна «Насойим ул-муҳаббат...»га суянамиз: «Охир уламр Шайх Хожаға ташриф берди (бу ерда устознинг шогирдга мустақил иш юритиш учун қўл бергани, яъни унга фотиҳа бериб, оқ йўл тилагани кўзда тутилган, одат бўйича бунда устоз шогирдга сарпо қилади — тўн ёпади) ва деди: «Тўққиз ўғлум бор. Сен борчасидин улуғроқ ва муқаддамроқ (устунроқ)». «Тўққиз ўғлум» деганда Қусам Шайх фарзандларини кўзда тутганми ё муридларинимибу маълум эмас. Ҳойнаҳой, Шайх Баҳоуддинни энг улуғ шогирдлари қатори ҳисоблаяпти. Баҳоуддин Қусам Шайх хизматидан — Нахшаб, яъни Қаршидан Бухорога қайтганидан кейин ҳам бир умр устозининг ҳурматини аъло даражада бажо келтирган: «Андин сўнгра ҳар қачон Шайх Нахшабдин Бухорога келур эрди, Хожаға мулозамат қилурлар эрди (бирга бўлур эдилар)». Қусам Шайхнинг ўзи Баҳоуддин ҳақида: «Бу навъ талабгорлиғки, сенда кўруб мен, толиблардин ҳеч қайсида кўрмаймен», — деган эди. Устоз Қусам Шайхнинг Хожа Баҳоуддинга ҳурмати шу қадар юксак эдики, умрининг охирида у ана шу муриди юртида яшади ва Бухорода вафот этди. «Насойим ул-муҳаббат...»да ўқиймиз: «Охир бу Қусам Шайх Хожа (Баҳоуддин) интиқо (айрилиқ, соғиниш) ва камоли бетаайюнлуғидин (бу ерда жудоликдан қутилиш маъносида) Бухоронинг тимларидин бирида андоқ савдову сотиқ қилди ва чиқиб бир дўкончада ўлтуруб, асҳоб (суҳбатдошлар, муридлар) ва фарзандларидин ҳар кимки, анинг эдилар, тилади ва дедики: «Бизнинг борур чоғимиз бўлди». Тавҳид калимасин алар (йиғилганлар) мувофақати била (биргалашиб) айтти ва жон таслим қилди».

Биргина пўчоқни ейиш билан бошланган пиру муридлик ана шундай якун топган эди. Бу устозу шогирд ўртасидаги ўзаро ҳурмату иззат биз учун намуна бўлгулик.

Тасаввуф — рамзларга кўмилган фалсафа. Хусусан, тасаввуфона адабиёт барча фалсафий мушоҳадаларни тимсолларга кўчириб ифодалар эди. Шундай экан, бу фалсафани қаттиқ тутган ва ривожлантирган шайхлар, уларнинг этагини ушлаган соликлар ҳар бир ишорадан моҳиятни англаш қобилиятини ҳадди аълосида камолга етказишга бир умр интилган кишилар эди.

Султонмурод ОЛИМ.



Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу суратда юртимизнинг қадим обидаларидан бири — ҳазрат Хожа Нақшбанд мақбараси мажмуи бўлиб, унда улуғ ҳукмдор Абдуллахон Соний томонидан бино этилган Хонақоҳ ва Минора, Бухоро амири Шоҳмурод ҳукмронлиги даврида қурилган Масжид ва Хожанинг бугунги ворислари бино этаётган янги иншоотлар акс этган. Хожа Нақшбанд мақбараси мажмуи Шарқ меъморчилигининг юксак намунаси саналади. Унда мумтоз меъморчилигимизнинг— 400 дан ортиқ санъат туридан фойдаланилган.

Ш. ШАРОПОВ сурати.
(ЎзА).

«ҲАҚНИНГ ЎЗИ БИЛАН ЁНМА-ЁН БЎЛМОҚ...»

Тарихий асарларда ул буюк зотнинг шажараси (насаблари) ҳақида шундай маълумот берилган: Ҳазрат Баҳоуд Ҳақ ва-д-дин Саййид Муҳаммад ибн Саййид Муҳаммад Жалолиддин ан Нақшбандий ал Бухорий ибн Саййид Бурҳониддин Холдор ибн Саййид Абдуллоҳ ибн Саййид Зайналобиддин ибн Саййид Шаъбон ибн Саййид Бурҳон ибн Саййид Маҳмуд Румий ибн Саййид Исҳоқ ибн Саййид Тақий ибн Саййид Маҳмуд Жомеъ ибн Саййид Али Акбар ибн Ҳазрат Имом Али Тақий ибн Имом Муҳаммад Тақий ибн Ҳазрат Имом Али Мусо ар Ризо ибн Зайналобиддин ибн Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб.

Ҳазрат Хожа Нақшбанд она жиҳатидан Сиддиқийдир, чунончи насаблари халифа Абу Бакр Сиддиқ разийаллоҳу анҳуга бориб тақалади.

Тарихий манбаларнинг шаҳодат беришича, Саййид Мир Кулол Баҳоуддинга тариқат сулуки ва одобини, зикр талқинини ўргатган. Ҳазрат Баҳоуддиннинг Саййид Мир Кулолга ихлос-эътиқоди ҳақида шундай ривоят бор: бир куни Саййид Мир Кулол хумдонга ўт ёқишни буюрибдилар. Ҳаво иссиқ, авжи саратон пайти экан. Баҳоуддин хумдонга ўтин қалаб турганда, эгниларидаги бор давлатлари ҳисобланмиш пўстинни ечиб оловга ташлабдилар. Бу ҳолни кўриб, Саййид: **«Эй фарзанд, хумдонга кириб пўстинингизни олинг, ҳали у сизга кўп керак бўлади!»**, дебдилар. Баҳоуддин эса эътироз билдириб: **«Агар у тош ёхуд темир бўлганда ҳам хумдонда аллақачон эриб кетарди. Маним пўстинимдан ном-нишон қолмагандир»**, дебди. Мир Кулол: **«Эй солиҳ фарзанд, Баҳоуддин Ҳақ Субҳонаҳу таоло ишқи оташида неча йиллардан бери куйиб келаяпсиз, лекин бу пўстинингизга ул оташ таъсир қилмади. Ваҳоланки, эгнингизда доимо шу пўстин бор эди. Хумдондаги олов зинҳор-зинҳор ул пўстинни куйдиролмагай. Зеро, машойихлар: «Куйган одамни иккинчи маротаба ўтга ташламаслар», деганлар. Қўрқмай хумдонга киринг!»**, дебдилар. Баҳоуддин **«бисмиллоҳ»** деб лов-лов ёниб турган ҳумдон ичига кирсалар, пўстинларининг ҳатто бир тукига ҳам олов таъсир қилмаган экан. Шунда улуғ пир: **«Эй фарзанд, дарвешлар зоҳирида бўлган нарсаларга дунё оташи таъсир этмас. Сиз дарвешлар қалбидан жой олмоққа сайъ-ҳаракат айланг. Шунда дўзаҳ оташи сизни куйдиролмас»**, деган эканлар.

◆

Хожа Муҳаммад Бобойи Суммосий ўз муридлари Саййид Мир Кулол билан Баҳоуддиннинг ота-онаси кун кечирган Қасри Ҳиндувондан ўтаётганда: **«Бу тупроқдан бир эр иси келмоқдадир. Шу зоти шариф барокотидан Қасри Ҳиндувон Қасри Орифон бўлғайдир!»**, дебдилар. Ўша пайтда ҳали Ҳазрат Баҳоуддин туғилмаган, балки оналарининг муборак қоринларида экан. Бир неча фурсатдан кейин эса: **«Ҳалиги эрнинг иси зиёдароқ бўлибдур»**, дейдилар. Дарҳақиқат, шу анда Ҳазрат Баҳоуддин туғилган эканлар. Туғилганларига уч кун тўлганда ҳазрат Баҳоуддинни Бобойи Суммосий маънавий фарзандликка қабул қилиб, Мир Кулолга Баҳоуддин Нақшбанд тарбияси билан шуғулланишни топширадилар.

◆

Нақл қилинишича, бир куни ҳозирги Туркия Республикасининг Анталиё шаҳридан авлодлари қадим Туронга келиб қолган Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний Қуръони Карим тафсирини мутолаа этаётганларида қуйидаги оятга дуч келганлар: **«Сен ўз Парвардигорингга ёлвор ва маҳфий ҳолда дуо қилгил, чунки у ҳаддан ошувчиларни ёқтирмайди»**. Хожа бу оят мазмунини устозлари имом Садриддин ал Бухорийдан сўрайдилар: **«Агар зокир овоз чиқарса бу ҳолда ўзгаларга аён бўлади. Мабодо, дилда, яъни товуш чиқармай зикр этса, шайтон воқиф бўлур. Чунки шайтони алайҳилаъна инсон фарзандининг ичида қондек оқиб юради, деган ҳадиси шариф шунга ишорадур. Хўш, унда ҳуфия зикр этиш қоидаси ва тартиби қай тарзда бўлур?** Имом Садриддин: **«Сен сўраётган илм «илми ладуний»дир, яъни Аллоҳ таоло томонидан ато этилган илм. Агар Аллоҳ ладуний илми сенга маълум қилмоқни ҳоҳласа, албатта аҳлуллоҳдан бирини ёнингга юборади. У сени бу илмдан огоҳ этади»**, деб жавоб берибдилар.

Ладуний илм ҳақида тарихий луғатларда шундай хабар бор: «Аллоҳ таоло томонидан ато этилмиш илм. Бундай илмга уриниш саъй ҳаракат, риёзат тортиш натижасида, Аллоҳ таолло ҳоҳласагина эга бўлиш мумкин. Чунки бу илм тангри ўзи ҳоҳлаган кишиларгагина берилувчи илоҳий амалдир».

Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний Баҳоуддин Нақшбандга увайсий бир йўлда зикри ҳуфияни ўргатганлар. Зикри ҳуфия дегани овоз чиқармай Аллоҳ таолло номини юракда зикр этиш бўлиб, улуғ Хожа кейинчалик «Дил ба ёру даст бакор» дастурини айни амалга асослаганлар.

◆

Нақл қилинишича, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд йўлда кетаётиб, бир итни кўриб қоладилар. Ва ит ўтиб кетгандан кейин чўкка тушиб, ит оёқларининг изини ўпиб йиғлайдилар. Сўфий ана шу итдан сабоқ олиши керак, дейдилар. Бу амал ила Ҳаққа етган кабир зот Ҳазрат Баҳоуддин Тангри таолло муҳаббатига ит каби содиқ бўлишни орзу қилганлар.

◆

Ҳазрат Баҳоуддин жуда кўп шаҳарларда, мамлакатларда, жумладан Маккаи Мунаввара ва Мадинаи Мукаррамада, шунингдек, Нишопур, Ишқобод, Ҳирот, Марв, Самарқанд, Насафда Барча маконларда Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф каломларини элга етказмоқ, бидъатдан халқ онгини покиза этмоқ учун саъй ҳаракат қилгайлар. Ҳазрат Баҳоуддиннинг ҳалифалари Хожа Муҳаммад Порсонинг ёзишларича, ўз пирлари билан биринчи маротаба муборак ҳаж сафарларига чиққанларида, Марвга бориб карвонлари иккига бўлинади. Бир гуруҳ Машҳад ва бошқаси Ҳирот томон йўл олиб Нишопурда яна қўшилишмоқчи бўлишади. Ҳазрат Баҳоуддин Ҳиротга бориб Мавлоно Зайниддин Абу Бакир Тайбодий билан учрашмоқни ният қиладилар. Лекин Хожа Порсо Машҳадга қараб йўл олган. Мурид кейинчалик бу ишлардан бир умр афсусланиб юрган.

Ҳазрат Баҳоуддин Мавлоно Зайниддин Абубакир билан учрашибдилар. Мавлоно ҳазратнинг исми шарифларини билгандан сўнг: **«Биз учун бир нақше боғланг!»**— деб илтимос қилибди. Ҳазрат Баҳоуддин эса: **«Келибмизки, Сиздин нақше элтгайбиз»**, деб жавоб берган. Мавлоно ҳазратни ўз уйларига элтиб, икки-уч кун ҳамсуҳбат бўлгандан сўнг, ҳаж сафарига ижозат берганлар.

◆

Ривоят қилинишича, Ҳирот ҳукмдорларидан бири Ҳазрат Баҳоуддин шарафларига зиёфат уюштирибди. Лекин шоҳ зиёфатига қатнашган Баҳоуддин дастурхондан ҳатто нон ушоғини ҳам олиб оғизларига солмабдилар. Бунинг сабабини шоҳ сўраганда: **«Жанобларининг касблари не?»**, дебдилар. Ҳукмдор ҳайрон бўлиб: **«Ҳазрат мен шаҳаншоҳмен! Касбим шул!»** деб жавоб берганда, Хожа Баҳоуддин: **«Шоҳлик касб эмас, Довуд алайҳиссалом темирчилик қилиб кун кўрган. Сизнинг дастурхонингиздаги ноз-неъматлар пешона тери билан топилган эди, ҳалол бўлур эди. Узр, бизга бу дастурхондан овқат тановвул қилмоқ жоиз эмас»**, деб ҳукмдор зиёфатидан чиқиб кетганлар. Ҳар муридга, албатта бир касбни ўргатишни тавсия этганлар Ҳазрат Хожа Нақшбанд.

◆

Мавлоно Жалолиддин Ҳолидийдан сўрабдиларки, кейинги тариқат пирларидан қай бирининг даражаси ҳазрат Баҳоуддин даражасига яқинлашган. Шунда ул зот: **«Бу нав осор валоят (худога яқинлик) зуҳурики (кўриниши), ҳазрати Хожа Баҳоуддинда Тангри таолло иноятидин воқе бўлибдур, тариқат машойихига мутааххирлардин (кейингилардан) ҳеч кимга бўлмайди»**, деб жавоб берибдилар.

◆

Соҳибқирон Амир Темурнинг дастлабки вақтлардаги ҳамкори, кейинчалик у томондан ўлдирилган Малик Ҳусайн Ҳазрат Баҳоуддиндан **«Сизнинг дарвешингиз мерос қолганми? Ёки ўзингизда пайдо бўлганми»** деб сўради. Хожа шунда: **«Жазабатун мин жазаботи-л-ҳаққи тавози амали-с-сақалайин», яъни Аллоҳдан келган бир жазаба инсу-жин амали билан баробардир. Ҳукми бўйича бу саодатга мушарраф бўлганмиз»**, дедилар. Ҳусайн яна сўради: **«Сизнинг тариқангизда жаҳр хилват ва самоъ борми?»** Хожа **«Йўқ»**, дедилар. У яна сўради: **Сизнинг тариқингиз нимага асосланган?»**. Хожа дедилар: **«Ҳилват дар анжуман, сафар дар Ватан ва зоҳирда халқ билан аммо ботинда Ҳақ билан бирга бўлиш ва ҳазрати Ҳақ Субҳонаҳу ўзининг Қуръонида «На тижорат ва на савдо-сотиқ уларни Аллоҳнинг зикридан чалғитолмайди» дегани худди шу мақомга ишорадур»**, дедилар.

◆

Мавлоно Жалолиддин Халидийдан нақл қилинишича, ҳазрат Баҳоуддин иккинчи марта Ҳижозга борганларида мавлоно Холидий Насафга қайтаётган эдилар. Ҳазрат Баҳоуддин у кишидан: **«Бухорога ҳам борасизми?**, деб сўраганларида улар: **«Хожа Баҳоуддин йўқ бўлсалар, Бухорога бориб нима қиламиз?»**, деган эканлар.

Ҳазрат Баҳоуддиннинг уйларида мол-мулк йўқ эди. Ғариблардек яшардилар. Масжиди муборакларида қишда ҳашак бўларди, ёзда эски бўйра. Синган кўзалари бор эди. Ул зотда хизматкор бўлмаган. Нега хизматкор ёлламайсиз, деб сўраганларида: **«Қуллик хўжайинлик билан мос келмайди»**, деб жавоб берган эканлар.

◆

Ҳазрати Хожа Нақшбанд дейдиларки: **Ҳар бир нарса ўз ўрнида таъсир кўрсатади ва унинг натижаси зоҳир бўлиб боради. Расул алайҳиссалоту вассалом ҳадисларини ўрганиш ва саҳобаи киром разийаллоҳу анҳум ишларига амал қилишга буюрилгани ичун уламога мулозамат қилар ва ҳадис ўқир эдим. Саҳобаларнинг йўл-йўриқларини ўрганардим ва ҳар бирига амал қилардим. Буларнинг натижасини Илоҳий иноятлар туфайли ўзимда мушоҳада қилардим.**

Мақсад талаби йўлида ҳимматингиз менинг бошимга қадам қўйиб, мендан ўтиб кетиш бўлмаса мен сизни кечирмайман.

Илоҳий иноятлар билан биз қилган амал ва чеккан риёзатларни тортмакка тоқатингиз етмайди» Сизнинг. Сизларга чора шуки, беихтиёр бўлинглар, ризо талаби йўлида қалбларини эҳтиёт қилинглар.

Ҳақнинг халқи билан эмас, ҳақнинг ўзи билан ёнма-ён бўлмоқ керак.

Улуғларнинг сўзиданки, тирик мушук ўлик шердан яхшироқдир.

Агар бу йўл толибларидан бир гуруҳи бир бировлари билан ҳамсуҳбат бўлсалар бу суҳбатда ҳайру барака кўп бўлади. Умид борки, бу ишга ҳаргиз амал қилинса, охири ҳақиқий иймон билан якунланади.

Толиб амал қилиши лозим бўлган шароитлардан бири шуки, у ҳақ таоло дўстларидан бўлган бир дўст билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўз ҳолидан воқиф бўлиши зарур. Суҳбат замонини ўзининг ўтмиш замони билан солиштириб кўрсин, нуқсондан камол сари кетаётганини ўзида мушоҳада қилса, бу азизнинг суҳбатида мулозаматда бўлишни ўзи учун фарзи айн ҳисобласин.

Агар ҳоҳласам, нафсимни эллик марта сув лабига олиб бориб, яна ташна ҳолда қайтариб келаман.

Худони қидириш, бало қидиришдирки, ҳадиси қудсида айтилади: «Ман аҳаббани абталийҳу», яъни «Ким мени яхши кўрса мен уни қийнаб синайман». Хабарларда келтирилишича, бир киши Расул алайҳиссаломнинг ҳузурларига келиб: «Ё расулуллоҳ мен сени яхши кўраман», деди. Расулуллоҳ «Фақирликка тайёр бўл», дедилар. Бошқа киши: «Мен худони яхши кўраман», деди. Унга «Балоға тайёр бўл», дедилар.

Ибодатда вужудни қидириш бор, қулликда вужудни вайрон қилиш бор, то вужуд боқий экан, ҳеч қандай амал натижа бермайди.

Мутаваккиллардан бўлмоқ керакки, улар ўзларини биладилар ва таваккулларини касб билан пинҳона тутадилар.

Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғуда бўл.

Агар дўст айбига боқсак, дўстсиз қоламиз, ҳеч ким дунёда беайб эмас.

Йўловчи ва хаёл қилувчининг иши оғирдир.

Дарвешлик нима? Дарвешлик ташдан беранг ва ичдан бежанг бўлишдир.

Сабр ва чидамда ноғора каби бўлмоқ лозимки, у қанчалик шапалоқ емасин, бироқ ўз одатига хилоф овоз чиқармайди.

Ҳою ҳавас ва нафс аҳллари тутган ишлар асосининг барчаси залолатдан иборатдир. Амалларда ниятни тўғри қилиш, энг муҳим нарсадир. Ният — касб қилиб топадиган нарса эмас, балки у ғайб оламидандир. Ниятнинг ҳақиқати ихтиёр замирида эмас, агар ният йўқ бўлса, умид натижа бермайди.

Кимки битта ҳадисга умр бўйи амал қилса, кафил бўламанки, у мақсадига етади. Масалан, у «кимки қўл-оёғини тўғри ишлатса, Аллоҳ таолло унинг насибасини тўғри қилиб берди», ҳадисига амал қилса, яна кафил бўламанки, унинг иши дин ва яқинлик йўлида охирига етажак.

Халқнинг узоқда қолишига сабаб шуки, улар ўзларини-ўзлари узоқлаштирадилар ва ўз ихтиёрлари билан ўз юкларини ўзлари оғирлаштирадилар. Ваҳоланки, илоҳий файз келишда ҳеч қандай нуқсон йўқ. Биз дунё учун муомала қидирмаймиз, биз танишлик учун қидирамиз. Биз бу йўлга кириш йўлини қидирамиз.

Камолот ва нисор аҳлининг йўли шундай. Бу йўлнинг чақалоғини тариқат бешигига белайдилар ва тарбият кўкрагидан сут эмизадилар, шундай қилиб висол чегарасига етказадилар. Сўнг бирор усул билан уларни ўзликдан қайтарадилар, ваҳдат саропардасига маҳрам қиладилар. Шундай қилиб, йўловчи воситасиз Аллоҳдан файз олади ва висолга етувчи абадий умр топиб, унинг шукрини қилмоқчи бўлса ҳам адо қилолмайди.

Аҳли иршод (пирлар) сайёд (овчи) кабидурларки, нозиклик билан ваҳший жониворни қўлга оладилар ва толибни ваҳшийлик сифатидан одамлик мақомига етказадилар. Бу тоифа, яъни аҳли иршод ҳикмат каби чиройли тадбир қўллаб, соҳиб табиат толиб билан шундай муомала қиладиларки, охир уни бўйсундирадилар ва суннатга тобе қилиш йўлига киргизадилар ҳамда висол мақомига олиб чиқадилар. Пайғамбарлар ва авлиёлар ана шундай аҳли тадбир ва ҳикмат соҳиби бўладилар.

Мусулмонлик бу — иложи борича ҳукмларга бўйсуниш, тақвога риоя қилиш, амални бажаришга интилиш ва бекорчиликдан йироқ бўлиб, буларнинг барчаси нури сафо ва раҳмат ҳамда валоят даражасига етишиш воситасидир. Авлиёларнинг азиз манзили ва мақомларига мана шу сифат парвариши орқали етилади.

Киши ўзининг нафсига туҳмат қилиши керак. Кимки Ҳақ субҳонаҳу инояти билан ўз нафсининг ёмонлигини таниган, унинг ҳийла найрангини англаган бўлса, бундай қилиш унга осон бўлади. Бу йўлдан юрувчиларда ўзгаларнинг гуноҳини ҳам ўзларидан деб билиш ҳоллари кўп бўлади.

Саҳифани БАРНОБЕК ЭШПУЛАТОВ тайёрлади.



АНҲОР — ЁЗ БИЛАН КУЗ УЧРАШГАН МАСКАН.
Р. АКБАРАЛИЕВ сурати.

Газета саҳифаланаётганда:

МАСТЛИК УЧУН — 15000 СЎМ

Айримлар ўзи шундоқ ҳам бутқул қадри тушиб кетган рублнинг ҳар бир сўмини тежаб-тергаб харж қилишади. Баъзи пулдорлар эса...

Бандиҳон ноҳияси матлубот жамиятининг омбор мудири Мусурмон Қурбонов В 12—25 СД рақамли енгил машинасини маст ҳолда бошқаришни қонунга хилоф, деб билмади. Шишадошлари унга:

— Эҳтиёт бўл, йўлда тағин ГАИ дуч келиб, расво қилмасин, мазангни қочиради, — дейишди.

Бироқ, Мусурмон афтини буриштириб, бепарво қўл силтади: Олса —ўн минг, йигирма минг олар, миллион сўм сўрамас?

Улфатлари хавфнинг ҳидини олдиндан сезишган экан. Мусурмон йўлда Қумқўрғон ноҳияси давлат автомобиль назорати инспекцияси ходимининг тўрига тушиб қолди.

— Уҳ—денг!

— У-ҳ-ҳҳ!— Негадир Мусурмоннинг кўзлари бежо, юзи қизарган эди.

— Оҳ-ҳо, роса тортибсизда, полвон?

Ростдан ҳам Мусурмондан жарима учун миллион сўм сўрашмади. У жамғарма банки кассасига атиги ўн беш минг сўмни санаб берди, холос.

Қизиқ, айримлар минг сўмни тишининг кавагида асраб юрса, Мусурмонга ўхшаганлар 15000 сўмни ҳам писанд қилишмайди-я...

Жовли ХУШБОҚОВ,
«Туркистон» мухбири.

Келгуси сонда:

- ● МАНГУ ХАЗИНА ҚАЛИТИ
- ● ТАЛЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ҚЎЛЛАРИ

БАҲОУДДИН БАЛОГАРДОН ТЎЙИГА ТЎЁНА

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Диёнат ишлари қўмитаси билан ҳамкорликда ислом оламида маълум ва машҳур буюк аллома, нақшбандия тариқатининг асосчиси Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд (1318—1389) таваллудининг 675 йиллик тўйига яна бир туҳфа тайёрлади — «Баҳоуддин Нақшбанд» суратли маълумотномасини кўп нусхада чоп этди. Маълумотномада буюк аллома ҳаёти, у асос солган тариқатнинг моҳияти, аҳамияти ёритилган, Нақшбандий хонақосининг турли кўринишлари акс этган рангли фотосуратлар берилган.

Маълумотномани сифатли ва ўз вақтида чоп этишга Тошкент рангли матбаа фабрикаси ишчилари муносиб ҳисса қўшдилар.

ЭЪЛОН

Тошкентда таълим олаётган Жиззах вилояти Зафаробод туманилик талабалар диққатига

Шу йилнинг 16 сентябрь куни соат 15.00 да Қибрай туманининг «Қибрай» ресторанида Тошкентда таълим олаётган зафарободлик талабаларнинг Зафаробод тумани ҳокимлиги билан учрашуви бўлиб ўтади.

Автобуслар зафарободлик талабаларни соат 14.00 да «Тошкент» меҳмонхонаси ёнидан «Қибрай» ресторанига олиб кетиш учун жўнайди.

ЗАФАРОБОД ҲОКИМЛИГИ.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ТАСВИРИ

Ўзбекистон давлат санъат музейида Буюк Ипак йўлини босиб ўтган япон рассоми Икуо Хирайманинг шахсий кўргазмаси очилди.

Кўргазмани Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасининг раиси Наим Ғойибов очди. Кўргазма очилиши тантанасида Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси Укеру Магосаки нутқ сўзлади.

Ўттиз йил давомида Шарқ билан Ғарбни бирлаштирган йўллардаги ўнлаб мамлакатни кезиб чиққан япон рассомининг асарлари ўзига хослиги билан томошабинлар эътиборини тортади.

Хираяма ижоди ноёб тарихий ёдгорликлар тасвиридангина иборат эмас. У маданиятларнинг ўзаро таъсири борасида ҳам жиддий тадқиқотлар олиб бориб, умуминсоний қадриятлар ҳисобланмиш ёдгорликларни асраш ишига муҳим ҳисса қўшган.

Икуо Хираяма Токиодаги нафис санъатлар Академиясининг ректори, ЮНЕСКОга кўмаклашувчи Бутунжапон уюшмалари комитетининг раиси, Япониянинг ЮНЕСКОдаги доимий вакили ҳамдир. ЮНЕСКО Бош котиби Федерико Майор рассомга бу нуфузли халқаро ташкилотнинг Осиё мамлакатларидаги элчилик ваколатини ҳам берган.

Кўргазма япон делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида очилди. Япония ҳукумати иккала давлат ўртасидаги маданий ҳамкорлик имкониятларини ўрганиш учун юборган бу делегацияни Икуо Хираяманинг ўзи бошқаради.

Хираяманинг қайд этишича, унинг учун Буюк Ипак йўли —халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни, шунингдек маданият орқали тинчликни барқарор қилиш йўли ҳамдир. У 15 ёшида Хиросимадаги атом бомбаси портлашидан жабр кўриб, узоқ вақт тўшакка михланиб ётган эди. Бу ҳол унда тинчлик учун кураш истагини уйғотди. Мана, ўшандан бери у рассом ва жамоат арбоби сифатида бу йўлда курашиб келади.

Хираяманинг расмлари Вашингтон ва Парижда, Дамашқ ва Москвада, Бағдод ва Истанбулда, шунингдек, дунёнинг жуда кўп шаҳарларида намойиш қилинган. Тошкентдаги кўргазма унинг Марказий Осиёдаги дастлабки кўргазмасидир. Рассом бу кўргазманинг очилишидан бахтиёр эканини таъкидлайди. Чунки, ҳозирги Ўзбекистон бу минтақанинг юраги, Буюк Ипак йўлининг бош манзилларидан ҳисобланади.

Хираямани тадқиқотчи сифатида Будда динининг тарқалиши тарихи ҳам қизиқтиради. Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари кўпгина ажнабий мутахассисларнинг диққатини жалб этиб келмоқда. Бу мутахассисларнинг орасида япон тадқиқотчилари ҳам бор, албатта.

Яқинда Далварзинтепада ўзбек ва япон археологлари қўшма экспедициясининг иши якунланди. Будда динининг тарқалиши тарихига доир кўплаб ноёб топилмалар бу ҳамкорликнинг самарали эканини кўрсатди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Будда дини бу ерга милоддан олдинги иккинчи асрдаёқ кириб келган, кейин Буюк Ипак йўли орқали Японияга олиб борилган.

Рассом бундан чорак аср олдин ҳам Ўзбекистонда бўлган, Буюк Ипак йўлининг бир қисмини босиб ўтган эди. Унинг бу галги сафари ўта қадимий йўлни ўзбекистонлик мутахассислар билан ҳамкорликда ўрганиш борасидаги муайян қадам сифатида ҳам муҳимдир. Республика халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасида ана шундай ҳамкорлик хусусида ҳужжат имзоланди. Уни Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси Укеру Магосаки, япон делегациясининг бошлиғи Икуо Хираяма ва уюшма раиси Наим Ғойибов имзоладилар.

Бу ҳужжат Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий тадқиқот институти негизида Буюк Ипак йўли ва минтақа тараққиётида унинг аҳамиятини ўрганувчи қўшма мувофиқлаштириш марказини ташкил этишни кўзда тутади.

Шунингдек, қўшма археологик экспедициялар, қадимий йўл бўйлаб саёҳатлар уюштириларди. «Буюк ипак йўли» қомуси нашр этилади. Ҳамкорлик дастурида минтақа рассомларининг қадимий карвон сўқмоқлари бўйлаб саёҳатлари, уларнинг асарлари кўргазмалари уюштирилиши ҳам кўзда тутилган. Бу дастурни амалга оширишда Япониянинг «Халқаро мавоза» жамғармаси ёрдам беради.

И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзА мухбири.

ҚОНУН УСТИВОР БЎЛСИН

Фарғона вилояти савдо тармоқларида аҳолини кундалик истеъмол моллари билан таъминлашда ҳануз камчилик ва чалкашликларга йўл қўйилмоқда. Гарчанд вилоят матлубот жамиятлари уюшмасида қонун талабларининг бажарилиши назоратга олинган бўлса-да, бу соҳада ишловчи баъзи кимсалар ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўймоқда. Вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими ўтказган текшириш шуни кўрсатди.

Охунбобоев туманидаги «Октябрь» матлубот жамиятига қарашли дўкон мудири М. Ҳамидов 210 минг сўмлик турли молни Қирғизистонга олиб кетаётганида ушланди. Данғара тумани «Мулкобод» матлубот жамиятига қарашли хўжалик моллари дўкони омборхонасида тўртта «Сино» совутгичи ва бошқа камёб буюмлар яшириб қўйилгани аниқланиб, дўкон мудири И. Қосимовага нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Шу тумандаги «Оқжар» матлубот жамиятига қарашли омборда 2916 сўмлик гуруч етишмаган ҳолда, 36 килограмм ун, 17,4 килограмм қанд, 60 дона совун, 27 килограмм шакар, анча килограмм чой яшириб қўйилган экан. Тумандаги «Найманча» матлубот жамиятига қарашли 4-дўкон мудири А. Шодмонов уйида 2 тонна ўсимлик ёғи сақлаётгани ҳам маълум бўлди. Фарғона шаҳридаги «Умид» савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига қарашли 20-дўкон мудири М. Холматова 625 килограмм — жами 38 минг 430 сўмлик вермишелни омборда сақлаб турган.

Текширишда яна шу нарса маълум бўлдики, айрим ҳолларда матлубот жамиятлари маҳсулотни фонд бўйича ололмаган. Масалан, ўтган беш ой давомида Марғилон савдо базасидан Олтиариқ тумани матлубот жамияти уюшмасига 30225 килограмм шакар кам берилган.

Афсуски, бу каби мисоллар оз эмас. Ажабланарлиси шундаки, камчиликлар аниқланиб, айбдорлар жазоланса-да, юлғичлик барҳам топмаяпти. Ишни шундай ташкил этиш кераки, қинғир қадам қўйидиган ҳар бир кимса жазо муқаррар, қонун ҳамма нарсадан устун эканини ҳис этсин.

Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

Янги китоблар

МАРОСИМГА МУНОСИБ ТЎЁНА

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришиши, озодликнинг ҳаётбахш нафаси Ислом оламининг муборак дарвозаларини ҳам кенг очди. Натижада қатор алломалар, авлиё-анбиёлар ҳақида рисолалар, уларнинг асарлари кетма-кет кенг омма эътиборига ҳавола этила бошланди.

Биз бир неча йиллар мобайнида авлиё ва анбиёлар сохта ғояпарастлик туфайли қатағон қилиниб, улар ҳақида омма орасида юрган бир қанча ривоятлардан ўзга манбалар билан таниш эмас эдик. Қуёш юзидан парда кўтарилиб, ҳаммаёқ нурафшон бўлгач, манбалар эшиги ҳам очилди ва биз мана эндигина авлиё-анбиёлар ҳақида бор ҳақиқатни айта олиш имкониятига эга бўлдик.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида бир қатор маълумотлар, мақолалар чоп этилди. Бу улуғ зот эл орасида «Баҳоуддин Балогардон», «Баҳоуддин пирим», «Девонаи Баҳоуддин» каби номлар билан машҳур бўлса, уламолар ва авлиёлар орасида «Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд», «Шайх Баҳоуддин», «Ҳазрати Эшон», «Хожаи Бузрук» исмлари билан тилда зикрдан тушмас эдилар. Ул зотнинг шогирдлари ва замондошлари бўлмиш ҳамфикрлари пирнинг асл номини тилга олишни беодоблик ҳисоблаб, «Ҳазбати Хожа» ёки «Ҳазрати Хожамиз» деб улуғлардилар.

«Ёзувчи» нашриёти «Баҳоуддин Балогардон» деб аталган китобни чоп этди. Китобнинг муаллифи эса уни «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» деб номлаган.

Муҳаммад Боқирнинг бу китоби Шарқ халқлари тафаккури тараққиётига катта ҳисса қўшган Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти ва босиб ўтган йўлини мукаммал баён қилувчи ягона манбадир. Асарда нақшбандия сулукининг асослари ва унинг ривожланишига ҳисса қўшган кишиларнинг фаолияти ҳикоялар орқали баён қилиб берилган.

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

МОТОЦИКЛНИ ЎМАРГАН «ШОВВОЗ»ЛАР

Анвар Ҳайитов билан Шерали Бўриевлар Шароф Рашидов номли жамоа хўжалигининг Гулистон қўрғонида яшовчи Баҳодир Йўлдошевни «анқов одам» деб ўйлаган бўлсалар керак. Бўлмаса унинг уйи олдида турган «Восход-3 М» маркали мотоциклни ўғирлаб кетиш осон дейсизми? Эндигина 24 ёшни қаршилаётган бу забардаст йигитлар фойдали меҳнат қилишдан кўра мотоциклни қисмларга бўлиб сотишни афзал кўрдилар. Ахир ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолиши учун уни қаергадир гумдон қилиш зарур эди-да. Ўғрилар мотоциклнинг баъзи эҳтиёт қисмларини дашт зонасига элтиб, кўмиб келишганда ўз ишларидан хурсанд бўлишгандир. Аммо туман ички ишлар бўлимининг тезкор гуруҳи вакиллари Жомурод Қурбонов ва Шуҳрат Гадоевлар шу йилнинг февраль ойидаёқ жиноятчиларнинг пайига тушиб уларнинг режасини барбод қилдилар. Эҳтиёт қисмлар кўмилган жойидан топилгач туман халқ суди Ўзбекистон Жиноят кодексининг 125-моддаси 2-қисми билан Анварга уч йил қамоқ жазоси, Шералига эса уч йил мажбурий хизмат учун ҳукм чиқарди. Қоқча қишлоғилиқ бу икки йигит қилган ишларидан эндиликда пушаймон бўлиб юришибди.

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...

Биров сизга олтмишга кирган одам ўғирликка қўл урибди, деса ишонмаслигингиз мумкин. Тиниб-тинчимаган одамларнинг баъзилари қариб ҳам қуюлмабдими деган хаёлга борасиз. Шу йил 10 дан 11 июлга ўтар кечаси «Чимбойобод» жамоа хўжалигининг фермасидан бир бош қора-ола рангли тана қаёққадир йўқолди. Изни кўздан қочирмаслик мақсадида текшир-текширлар авжга чиқди. Туман ички ишлар бўлими жиноят қидирув гуруҳининг тезкор ходимлари Шуҳрат Гадоев, Жалил Ёдгоров ва Зайниддин Раҳматовлар арқонни узунроқ ташлаб тортишса унга шу фермада беда қоровули бўлиб ишловчи Номоз бобо Ҳикматов илашиб келаётганмиш. Ё, алҳазар! Назоратчилар кўзларига сира ишонишмабди. Тузукроқ қарашса буларнинг ҳаммаси ҳақиқат. Битта мол фойда қиламан деб эл олдида юзи шувут бўлган отахон эндиликда қилмишидан уялиб ўтирибди. «Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога» деб бежиз айтишмаган халқимиз.

СОБИҚ БЕЗОРИ НАШАВАНД БЎЛМОҚЧИ

Собир Ҳакимов Гўзалкент туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалигининг «Дўстлик» қишлоғида яшайди. Илгари безорилик қилганлиги учун Ўзбекистон Жиноят кодексининг 204-моддаси 2-банди билан икки йилга озодликдан маҳрум этилган бўлишига қарамай бундан тегишли хулоса чиқариб олмабди. Шу йил 17 апрель куни унинг уйидан 14 грамм наша топилди. Туман халқ суди уни Ўзбекистон Жиноят мажмуасининг 216-моддаси 6-банди билан айбли деб топиб, яна икки йилга ёпиқ эшиклар ортига жўнатди. Нега собиқ безори наша сақлашни ўзига касб қилиб олдийкан? Собир «яхши отга бир қамчи, ёмон отган минг қамчи», деган мақолни унутиб қўйдимикан?! Йўқса меҳнат қилмай бойлик орттириш ҳирсига тушмасди-да.

САРИМСОҚПИЁЗМИ ЁКИ КЎКНОР?!

Саримсоқпиёзга кўкнор ёки кўкнор уруғига саримсоқпиёз уруғи қўшилиб кетганлигини эшитганмисиз? Гўзалкент туманидаги Гўзалкент жамоа хўжалигининг Ойтамғали қишлоғида истиқомат қилувчи Худойназар Шукуров ўз ҳовлисига экилган саримсоқпиёз ичидан 24 туп кўкнор ўсганлигини кўриб, «ҳайратдан ёқа ушлади». У 1993 йил 18 июнь куни туман ички ишлар ходимлари олдида ўз айбидан тониб турганида оғилидан топилган 128 туп кўкнор ўсимлиги сирни фош қилиб қўйди. Демак, саримсоқпиёзни кўкнордан ажратиш мумкинлигини Худойназар Шукуров билиб-билмасликка олган. Бўлмаса у келиб-келиб назоратчиларни алдамоқчи бўлармиди?

ГАП ҚУВЛАГАН ҚОЛАР УЯТГА

Шу йил 29 июнь куни кундуз соат 16.30 лар чамасида Беш қаҳрамон жамоа хўжалигининг Зорман қишлоғидаги автобус бекатида ўтиб кетган машмашалар қўзғалиб жанжал чиқди. Шу қишлоқда яшовчи Ҳуррам ва Учқун Юсуповлар Тўхта Мамaнов билан уришиб бирбирига тан жароҳати етказишди. Ҳозир шу иш бўйича тергов ҳаракатлари давом этаяпти.

Қаҳрамон ЖЎРАЕВ,
Гўзалкент тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари.
Ғайрат БОБОҚУЛОВ,
журналист.

ЎҒРИЛИК ВА ЎСМИР ҚОТИЛ

Кундан-кунга чорва молларининг нархи ошиб бораётибди. Илгари бир сигир 500—600 сўмга олинарди. Ҳозир бу пулга уч кунлик жўжа беради. Иқтисодиётдаги бундай беқарорлик кўпларни ташвишга солади. Олдин пули бор одам нотинч яшаса, энди моли борлар безовта. Эшик тиқ этса, эти увишади. Хаёлида ҳар хил ўй.

Сабаби бор. Қўй-эчки, сигирнинг нархи ошаётганидан мол ўғриларям кўпаймоқда. Оғилнинг деворини бузиш, қўтондаги сурувни ҳайдаб кетишлар ҳаддан ошди.

— Илгари мол ўғирлаш жудаям оз учрарди. Йилига бирон марта шу юзасидаги жиноий иш кўрилларди ёки йўқ. Ҳозир ойига, ҳафтасига дуч келамиз, — дейди Шаҳрисабз тумани ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Даврон Турсунов. — Ўтган ойлар давомида кўрилган йигирмадан зиёд жиноий ишнинг энг кўпи мол ўғирлаш бўйича.

Даврон Турсунов стол устига далил-ашёларни қўяди. «Дело»лар билан таниша бошлайман...

...Ўткир Саидов Амир Темур номидаги жамоа хўжалигидан. Яшаш жойи Тепарлик қишлоғи. Ҳеч қаерда ишламайди. У ўзининг танишлари Зокир Исмоилов, Ваҳобиддин Элмуродов билан дарров тил топди. Уч оғайни гапни бир жойга қўйиб, жиноий гуруҳ ташкил этадилар. «Вазифа»лари битта. Фуқароларнинг шахсий мулкини ўғирлаш.

Бировнинг ҳақига кўз тиккан Ў. Саидов шериклари билан Янги ҳаёт қишлоғига йўл олади. Режага кўра Нўъмон Юсуповнинг моли ўмарилиши керак эди. Шундоқ бўлдиям. Ўткир Саидов пойлаб туриш учун йўлакда қолади. Зокир Исмоилов, Ваҳобиддин Элмуродов ҳовлига тушишади.

Ҳаммаёқ сукунатда. Уй эгалари ҳотиржам дам олишарди. Хатар сезмаган нокаслар қозиққа боғланган уч ёшли ҳўкизнинг ипини қирқишади. Шерикларга бу оздай эди. Ўшанданда яна икки бош қўчқорниям ҳўкизнинг ёнига қўшишди. Ўлжани Китоб станциясидаги Пахтакор кўчаси 53-уй, 17-хонада яшовчи Абдурасул Бозоровникига ҳайдаб келишади. Уй эгаси йўқ экан. Шунинг учун моллар унинг укаси Алишерга пулланади. «Даромад»ни тақсимлаб олган учовлон тонг ёришгунча шу тарзда «бойиб» олишди.

Орадан кўп ўтмади. Эндиги «ташаббус»ни Зокир Исмоилов қўлга олди. У шериклари Азамат Бердиев, Шавкат Аҳмедов билан жиноий тил бириктирди. Ҳамтовоқлар Тезгузар қишлоғига келишганида осойишталик ҳукмрон эди. Шундай вазиятни пойлаб юрган эмасмилар, Нормурод Бозоровнинг деворидан ошишди. Қўтондаги уч бош қўй, бир зумда уларники бўлди-қўйди.

Нафс балоси ўғриларнинг иштаҳасини очганди. Чидай олмадилар. Шу оқшомдаёқ тезгузарлик Ҳайрулло Бозоровнинг молхонасидаги етти бош қўй ҳам ўмарилди. Яна илгаригидек ўлжа гумашта Абдурасул Бозоровга арзон-гаровга пулланди.

Барот Ҳўжақулов бировнинг ҳақи, ризқини емаса туролмайдиганлардан. Устаси фаранг ўғри. Юқоридагилардек катта ёшдагиларни эмас, болаларни ҳам ишга солишни биладиган маккор. У таниши Шерали Қурбонов билан олдиндан келишиб олади. Биров хатарни сезмасин, гумонсирамасин, деган фикрда Обиджон Юсуповни жиноят қилишга жалб этади. Бировнинг молини ҳайдаб кетаверса, кимам ундан хавфсирарди. Ана шуларни олдиндан кўра билган Б. Ҳўжақулов, Ш. Қурбоновлар ишга киришишди. Жиноий гуруҳ фуқароларнинг шахсий мулкини навбати билан гумдон қилишнинг машқини олди.

Ғани Бобоёров номидаги жамоа хўжалигининг Тўдамайдон қишлоғида яшовчи Одил Пармонов оғилига бориб қараса, моли йўқ эмиш. Оиланинг таянчи, бола-чақа ризқининг йўқолиши уйдагиларни эсанкиратиб қўйди. О. Пармонов рўзғорида нотинчлик бўлиб турган дамда Водрик қишлоғида турувчи Аҳат Жовлиевнинг оила-аъзоларям ўғирланган молининг изини қидирарди.

Икки оила зор қақшаб турган паллада Барот Ҳўжақулов, Шерали Қурбонов, Обиджон Юсуповлар ўмарилган қора молларни Шаҳрисабз бозорида пуллашарди.

— Ҳозиргача ўғирланган бирон бир мол изсиз кетмаган,—дейди туман ИИБ бош терговчиси Саид Шукуров. — Бохабар бўлганимиз топиляпти. Ўғриларни бўйнига қўйяпмиз. Терговчиларимиз Жамила Бердиева, Искандар Султоновларни ҳар қанча чалкаштирмасинлар, жиноятчилар қочиб қутула олмайдилар.

Дилшод Муҳамедов ўзи яшайдиган Қаин қишлоғида арзимаган нарсадан қотилликка қўл урди. Одам ўлдирди. Ўздан бир ёш кичкина бўлган Баҳриддиннинг умрига зомин бўлди. Қондан, бировнинг талвасасидан қўрқмади. Ўзи каби беғубор ўспириннинг кўксига пичоқ санчди.

Аслида воқеа бундай бўлганди. Дилшод Баҳриддин билан жанжаллашиб қолишади. Исмалоқ устидан. Бу ҳол Дилшоднинг асабини қўзғайди. Беғубор жуссани ёвузлик эгалласа ёмон экан. Унча-мунча киши қила олмайдиган қабиҳлик юз берди денг. Жоҳил отига минган Дилшод ўзи ясаган пичоқни тенгдошига суқади.

Яна «дело»ларни кўздан кечираман. Ҳаммасини титкилашга сабрим чидамайди. Ўғирлик, ўмариш, ўлдиришлар таъкидланган, исботланган жиноий ишларни бардош билан охирига етказган терговчилар кўз ўнгимдан ўтади. ИЖҚБ, жиноий қидирув группа ишларини ҳам ўзлари эплаётган қонуншуносларнинг номларини яна бир карра эсга оламан. Даврон Турсунов, Саид Шукуров, Жамила Бердиева, Искандар Султонов...

Қурбоқ АЛИ,
«Туркистон» ўз мухбири,
Қашқадарё вилояти.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари), З.МАМАДАЛИЕВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (масъул котиб), С.РУСТАМОВ, Б.ЮСУПОВ.

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ва
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

☎ ТАҲРИРИЯТ: ☎
хатлар ва оммавий ишлар – 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими – 32-57-93; ижодкор ёшлар – 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик – 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш – 32-53-98; тижорат – 32-58-48; қабулхона – 32-56-58.

✉ МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00130. Буюртма Г — 542. 59122 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6